

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САҢЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САҢЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК ЖУРНАЛИСТИКА РИВОЖИ

“5220100 – Журналистика”

4 курс “Санъатшунослик - журналистикаси” бўлими талабаси

Рахмонова Камоланинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Курс раҳбари:

с.ф.д., профессор

_____ М.А.Ҳамидова

“ _____ ” 2015 йил

Илмий раҳбар:

“Санъатшунослик ва маданият-
шунослик” кафедраси ўқитувчиси

_____ Б.Т.Култашев

“ _____ ” 2015 йил

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ	
1.1. Сайёҳлик журналистикасининг моҳияти, мақсади ва вазифаларининг илмий таҳлили.....	8
1.2. Глобаллашув жараёнида туризм ва сайёҳлик журналистикаси.....	15
II БОБ САЙЁҲЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ТАРИХИЙ АСПЕКТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ	
2.1. Тарихий-адабий меросда сайёҳликка оид манбалар таҳлили.....	26
2.2. Сайёҳлик журналистикаси сферасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожининг асосий тамойиллари.....	37
ХУЛОСА	49
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	56
Фотолавҳалар	61

КИРИШ

“Сайёҳлик бу дунёни англаш ва шу билан бир қаторда жаҳон майдонига чиқишдир. Биз бу муҳим соҳани ривожлантириб, унинг кенг истиқболларидан фойдаланишимиз керак”¹.

И.А.Каримов

Дунё халқлари маданий меросини асраб-авайлаш, унинг бой тарихини чуқур ўрганиш, ҳамда келажак авлодга ҳаққоний тарзда етказиш ҳар бир давлатнинг устувор мақсадларидан саналади. Юртбошимиз айтганларидек: “Фақат ўзига хос маданиятларгина эмас, балки, биринчи навбатда, бир-бирини бойитадиган маданиятларгина яшашга қодирдир”². Жаҳон халқлари тарихини, миллий анъаналари ва маданиятининг ўзига хослигини тарғиб этишда туризмнинг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон иқтисодиётини шакллантириш, турли соҳаларни ривожлантириш орқали жаҳон майдонига чиқиб, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий жабҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларидан бўлган туризмда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон учун туризм соҳасини ривожлантириш устувор масала, чунки туризм бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг даромад келтирадиган ва давлат хазинасига салмоқли валюта тушумини таъминлайдиган асосий тармоқлардан биридир. Шунингдек, туризм соҳаси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996.

² Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т.: “Шарқ”1998.Б-98

миллий иқтисодиёт тармоқларининг, ҳамда иқтисодий фаолиятнинг ҳар хил турлари бажарадиган индустрия сифатида кишиларнинг шахсий эҳтиёжларини қондирувчи сайёҳлик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи махсус мажмуадир.

Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистонда сайёҳлик журналистикаси журналистикаси соҳасининг бир бўлаги сифатида ихтисослаштириш, ушбу соҳа фаолиятини ташкил этишдаги зарур чора-тадбирларни таклиф этган ҳолда, унинг манбалари, бугунги кундаги аҳамиятини чуқур илмий таҳлил қилиш, унинг келажак ҳаётдаги ривожини соҳага тегишли адабиётлар, илмий манбалар билан бойитиш долзарбдир.

Бугунги кунда “Dunyo bo’ylab” телеканали, “Маданият ва маърифат”, “Тошкент”, “Ўзбекистон”, “Ёшлар” каби телеканалларда сайёҳлик журналистикаси кенг тарзда тарғиб этиб келинмоқда. Уларнинг ҳар бирида сайёҳликни тарғиб этиш усуллари ўзига хослик касб этади. Оммавий ахборот воситалари билан бир қатор илмий – маърифий журналларда ҳам сайёҳлик журналистикаси ўз саҳифаларини топмоқда. Хусусан, “Санъат”, “Театр”, “Мозийдан садо”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” каби журналларда бу жараённинг тобора фаол тус олаётганига гувоҳ бўламиз. Зеро, улардаги миллий маданият, санъат ва тарихни ёритаётган чет тилидаги мақолалар хориж сайёҳларини Ўзбекистон заминига оҳанрабодек тортишига катта ҳисса кўшмоқда. Мазкур жараёнларни ўрганиб, таҳлил этиш асосида юртимизда сайёҳлик журналистикаси ривожини қай йўллар билан бораётганини тадқиқ этиш долзарблиги юзага чиқади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ушбу битирув малакавий иши устида изланиш давомида Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбектуризм” Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги, “Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик йиғимни ундириш тартиби тўғрисида”ги низомлари билан ҳам танишиб чиқилди.

Мавзуни ўрганишда туризм соҳаси ривожини билан боғлиқ манбаларни тадқиқ этилди. Бу борада туризм тарихи, шаклланиш даврлари ва иқтисодий ҳамда маданий соҳадаги ўрни хусусида И.В.Зорин, В.К.Квартальнов, М.Б.Биржаков, В.Б. Сапрунова, А.Дурович каби хориж тадқиқотчилари кенг маълумотлар беришган. Турли хорижий нашрлар ва интернет сайтларидаги электрон мақолаларда ҳам мавзу доирасида кенг қамровли илмий изланишлар сайёҳлик журналистикаси соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар бугунги кун фан тараққиётидаги муҳим омил эканлигини белгилаб турибди³.

Сайёҳлик журналистикаси ривожини борасидаги илмий янгиликлар жамланмаси билан танишишда мустақиллик йилларида нашр этила бошланган “Мозийдан садо”, “Жаҳон адабиёти ва санъати”, “Санъат”, “Театр”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” журналларини алоҳида таъкидлаш керак. Уларда нашр этилган қатор илмий мақолалардан юртимиздаги тарихий ёдгорликлари, сайёҳларни осори атиқалари билан ўзига жалб этиб

³Зорин И.В., Квартальнов В.К. Энциклопедия туризма. М.: Новое знание. 1999.; Квартальнов В.А. Туризм. М. Финансы и статистика. 2007.; Биржаков М.В. Введение в туризм. – СПб.: Герда, 2006.; Сапрунова В.Б. Туризм: эволюция, структура, маркетинг. – М.: Ось-89.; Дурович А. Организация туризма. М., “Питер Пресс”. 2009.

Cook’s excursionst home and foreign. London. Tourist adveptiser. 1972.; Tourism Highlights WTO, Madrid 1981.; Tourism Yighlight Edition 2007. – Madrid: World Tourism Organisation, 2007.; www.world-tourism.org, www.wttc.org, www.travel-library.com интернет сайтлари.

келаётган музейлари, замонавий бадиий жараён ва бадиий кўргазма марказлари фаолиятининг ёритишда кенг фойдаланилди. Р.Такташ, М.Қодиров, Т.Баяндиёв, М.Хамидова, М.Тулахужаева, А.Хакимов, Н.Ахмедова, С.Қодирова, Ж.Исмоилова, Р.Альмеев, Э.Ртвеладзе, Р.Фатхуллаев, Л.Левтеева, Г.Дресвянская, И.Жабборов, Б.Культашев каби тарихшунослик ва санъатшунослик соҳа мутахассисларининг илмий асарлари билан бевосита танишиб чиқилди⁴.

Маданий мерос объектларида янгича йўналиш ва услубларни тарғиб этиш, ўрганиш сайёҳларни жалб этишдаги асосий омил саналади. Бу борада етук хориж тадқиқотчиларидан М.Г.Блавиа, Р.А.Бронников, А.В.Веровкин, Ф.Врессинг, В.Ю.Дукельский, О.О.Тоуми ва бошқаларнинг маданий туризм соҳасида олиб борган изланишлари амалиётда самарали ижобий натижаларга эришилганлиги билан ажралиб туради⁵

Мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишини ёзишдан мақсад Ўзбекистонда сайёҳлик журналистикаси ривожини тадбиқ этиш, унинг назарий масалаларини ишлаб

⁴ Альмеев Р. Музей и маркетинг. //Мозийдан садо. - Тошкент, 2005. - № 4 (32). – С. 12-13.; Дресвянская Г.Я. Музей и общество. //Мозийдан садо. - Тошкент, 2000. - № 1-2 (5-6). – С. 30-33.; Жабборов И. Замонавий музейшуносликнинг долзарб муаммолари. // Мозийдан садо. - Тошкент, 2003. - № 1 (7). – Б. 10-12.; Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси. //Мозийдан садо. - Тошкент, 2003. - № 2 (18). – С. 17-78.; Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана. //Мозийдан садо. - Тошкент, 2006. - № 2 (30). – С. 34-37.; Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шёлкового пути. //Мозийдан садо. - Тошкент, 1999. - № 3. – С. 8-13.; Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси. //Мозийдан садо. - Тошкент, 2002. - № 2 (14). – Б. 8-11.; Кultaшев Б. Бангладеш меъморлиги. //Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2015. –№2 (164).

⁵ Блавиа М.Г. Музей как посредник [между наследием и туризмом] //Museum: Международ. науч. Журнал ЮНЕСКО. – М., 1999. – № 2.; Бронников В.А. Роль Интернет в экономической стратегии музея: взаимодействие с некоммерческими и коммерческими организациями [американская модель] // Сайт автоматизация деятельности музеев и информационные технологии.; Веревкин А.В. Музей в туристическом бизнесе: Стратегия работы с сувенирной продукцией //Справочник руководителя учреждения культуры. – М., 2004. – № 3.; Врессинг Ф. Профессиональный гид: Наведение мостов между консервацией и туризмом // Museum: Международ. науч. журнал ЮНЕСКО. – М., 1999. – № 2001.; Дукельский В.Ю. Музейный туризм: соблазн или панацея? // Музей и туризм. Материалы межрегионального форума. – Петрозаводск: Карельский гос. краевед. музей, 2002.; Тоуми О.О. Взаимоотношение туристских фирм и музеев: Из опыта работы сегодня // Музей и туризм. – Петрозаводск, 2002, с. 20-25.// Музей и туризм. – Петрозаводск: Карельский гос. краевед. музей, 2002.

чиқишдан иборат бўлиб уни ёритишда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишида сайёҳлик журналистикасининг амалий аҳамияти ўрганиш;
- Ўзбекистон сайёҳлик журналистикаси соҳасидаги тарихий изланишларни ўрганиш,
- Сайёҳлик журналистикаси бўйича тарихий, замонавий илмий-ғоявий қарашлар ҳамда методологик асосларни ўрганиш;
- Тўпланган янги илмий қарашлар ёрдамида сайёҳлик журналистикаси масалаларини ёритиш.

Малакавий битирув ишининг таркибий тузилиши

Мазкур малакавий битирув иши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялардан иборат.

I БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Сайёҳлик журналистикасининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Сайёҳлик журналистикаси ёки трэвел журналистика (инглизча “travel journalism”) – бу тарих, география, маданият, санъат, туризм, этика, фалсафа ва бошқа мавзуларга мурожаат қилган ҳолда, бирор мавзуга бағишланган хабар ёки маълумотни кенг оммага тақдим этувчи журналистиканинг алоҳида йўналиши ҳисобланиб, у синтетик йўналиш сифатида ўз ичига баён, таҳлил, саёҳат ва туризм билан боғлиқ бўлган хабар ва аудитория хулосасини олади.

Трэвел журналистикасининг маъноси ўзбек тилида сайёҳлик журналистикаси номига тўғри келади. Яъни, инглиз тилида “travel writer” (инг. “travel” – саёҳат, “writer” – ёзувчи маъноларини англатади), рус тилида “трэвел журналист” номлари орқали ишлатилади.

Сайёҳлик журналистикаси аудиторияда турли маданиятларнинг ягона образда вужудга келишига, инсонларнинг миллий идентификациясига таъсир этади. Бу йўналишнинг асосий мақсади – инсонларда бутунликдаги дунё картинасини шакллантириш ва уларда қайсидир мамлакат ҳақидаги таасуротлар ва образлар ёрдамида саёҳатга илҳомлантиришдир.

Чет давлатлар, уларнинг маданияти, сиёсий ўзгаришлар, дунёда кечаётган воқеалар, жаҳон янгиликлари ва муаммолари ҳақида кўпинча билганларимиз телевиденье орқали кўрсатилади ёки матбуот орқали ёритилади. Аксарият ҳолларда бир давлат ҳақида бугун ва эртага ҳам деярли бир хил маълумот берилади, гўё барча хабарлар бир хил қолипга солингандек, эски қонун-қоидалар асосида ёзилади ва кўрсатилади. Сайёҳлик журналистикасининг афзаллиги ва биз ўрганишимиз муҳим бўлган томони шундаки, унда ана ўша қолип ва чегаралар бузилади.

Сайёҳлик журналистикаси бизнинг дунёқарашимизни ўзгартира ва кенгайтира олади. Ўтган асрда сайёҳларнинг кўпайгани ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларда сайёҳлик журналистикасининг кучини кўришимиз мумкин. У дунёнинг кўринишини, ундаги қарашларни ўзгартира олади. Бу каби ҳаракатлар самараси ила туризм ривожлананади, мамлакат иқтисодиёти ривожланади, аҳолининг яшаш даражаси янада раванқ топади. Саёҳатчи журналист ва трэвел блоглар раҳбари Кубатян ушбу соҳага оид шундай фикрлар билдирган: “Трэвел журналистика махсус жанр бўлиб, жиддий журналистика ва оддий кундалик ёзувлари билан ёнма-ён дидир. Шунингдек, у адабиёт ва фотосанъатни ҳам боғлайди. Бугун биз шундай замонда яшайпмизки, унда инсонлар ниманингдир ҳақида нафақат эшитишни, балки ўз кўзлари билан кўришни ҳам истайдилар”⁶. Илгари бу жанр йўл қайдлари деб аталган. XX аср ўрталарида Иржи Ганзелка ва Мирослав Зикмундлар “Татра” номли машиналари билан дунё бўйлаб қилган саёҳатлари орқали ушбу жанр қаҳрамонларига айланган. Улар саёҳатлари давомида олган таассуротлари самараси ила ўнлаб томли китоблар ва фотолар альбомлар яратишган. Ўтган асрда бундай сафарлар техник томондан жуда қийин, қимматга тушишига қарамай кўпчиликни ўзига жалб қилган.

Бизнинг кунга келиб саёҳат қилиш олдинги даврларга нисбатан замон талабларига мос, ижобий қулайликлари билан кескин фарқланади. Дунё давлатларида янги транспорт магистраллар, меҳмонхоналар қурилиши ва хизмат кўрсатиш даражасининг кундан кунга бўлган ривож, авиабилетларнинг муаммосиз ҳал этилиши фикримиз исботидир. Тадқиқотларга қараганда бугунги кунга келиб дунё бўйлаб сафарга отланганлар сони кўпаймоқда. Бироқ сайёҳлик журналистикасининг фаолияти даврга нисбатан сустроқ. Аксарият сайёҳлик ҳисоботлари бир-

⁶ Воронежский государственный университет. Факультет журналистики. Проблема массовой коммуникации: новые подходы. Материалы Всероссийской научно-практической конференции аспирантов и студентов. Воронеж 2014. Часть 1. Н.С. Булдакова (Южно-Уральский ГУ) 142 б. 19 б.

бирига ўхшаш, ҳамда бироз зерикарли. Қизиқарли материалга журналлар муҳарририятида ҳам, ўқувчиларда ҳам талаб бор.

Агар француз, хитойлик ва рус миллат вакиллари Африка бўйлаб саёҳатга чиқсалар, албаттаки, уларнинг ҳикоялари турлича бўлади. Ҳар бирлари минталитетга боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўзига хос жиҳатларни кўрадилар. Агар уларнинг иқтидорлари бир хил деб олсак табиийки, француз халқи учун француз ёзган мақола, хитойликлар учун хитойлик, руслар учун рус ёзувчисининг ёзувлари қизиқарли бўлади. Мисол учун бирор бир соҳа мутахассислари, маълум бир фан олимлари ёки спортчилар ҳикоясини оладиган бўлсак, бевосита мавзу ва терминлардан фойдаланилиши жиҳатидан ҳам биринчи навбатда ўз касбдошларига қизиқарли бўлади. Катта аудитория учун эса тушунарсиз бўлади. Демак, матн қанчалик мураккаб ва жиддий бўлса, у кичик аудитория ичида қолади. Шунинг учун сайёҳлик журналистлари барча тушуниши учун иложи борича оммабоп ва раво ёритишлари керак.

Сайёҳ журналистнинг қаҳрамонлари маҳаллий аҳоли, бирор ҳудуд табиати ёки ҳайвонот олами, моддий ёки номоддий маданият объекти ҳам бўлиши мумкин. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича муаллифнинг образи асосий қаҳрамон – ҳикоячи сифатида иштирок этиши ижобий кўрсаткичлар беради.

Сайёҳ журналист оддий туристдан жамият олдидаги масъулияти билан фарқланади. Турист шунчаки дам олади, нима биландир қизиқса ҳам, буни ишқибозлик учун қилади. Сайёҳ журналист дунёни ўрганади ва билганларини атрофдагилар билан бўлишади. У доимо маълумот тўплайди, маҳаллий аҳоли билан сўзлашади, саёҳатчи бора олмайдиган жойларга отланади. Муҳими ахборотни шунчаки йиғиш ва тўплаш эмас, балки тайёр маҳсулотни ривожлантириш, амалга тадбиқ этиш ҳам муҳимдир. Бу газета ва журналлар, китоб, ҳужжатли фильм, шахсий фотоқўрма, радио ва телевиденъеда интервью, лекция ва мастер класслар ва ҳатто шахсий музейни

ташқил этиш ҳам бўлиши мумкин. Асосийси журналист тақдимотидан кейинги натижа муҳим саналади.

Сайёҳ журналист турли маълумотлардан тарих, география, маданият, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳалардан хабардор бўлиши керак. Энг муҳими саёҳатчининг ёзган асарида ўзининг иштирок этишидир. Яна бир нарсаси муҳимки, сайёҳ журналист фотосанъатдан ҳам хабардор бўлиши лозим. Яъни, ўзи ёзаётган жараён ёки воқеани нафақат сўзларда, балки фотоларда ҳам ифода қилай билмоғи даркор. Чунки, аксарият нарсаларни ҳар ким турлича қабул қилади, фотолар билан тақдим этиш кизиқарли, шу билан бирга ижобий натижалар беради.

Битирув малакавий иши мавзуга оид тўпланган маълумотлар билан натижасида сайёҳлик журналистикасини икки кўринишга ажратилди, илмий таҳлил этилди:

1. Профессional сайёҳлик журналистикаси;
2. Непрофессional (фуқаролик) сайёҳлик журналистикаси.

Профессional сайёҳлик журналистикасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, журналистик маълумот ва маҳоратга эга, она тилидан ташқари бир неча чет тилларини мукамал билладиган журналистлар фаолият юритадилар. Улар трэвел маҳсулот (саёҳатлар ҳақидаги мақола, кўрсатув, радиоэшиттириш) тайёрлаш қонун-қоидаларини яхши билладилар ва ўзларининг бетакрор маҳсуллари билан кенг аудиторияни жалб эта оладилар. Улар саёҳатга чиқишдан олдин албатта ўз олдларига бирор мақсад кўядилар, шунингдек, саёҳатга бораётган жойлари ҳақида етарлича маълумот тўплайдилар, керакли билим ва кўникмаларни эгалладилар. Ташриф буюраётган мамлакатларида қандай мулоқотда бўлиш, қайси жойларни қандай тасвирлашни билладилар. Даврталаб мутахассислар ҳар бир объектни кизиқарли ва чуқур тадқиқ қилиши, сабрлилиги, ҳис туйғуларни жиловлай билиши, дид ва ўзига хос ёндашуви билан ажралиб туради. Бу каби хислатларга эга бўлган журналистлар овлоқ ердан ҳам гўзаллик топа олади.

Мутахассис шунчаки фикрини билдирмайди, ҳеч кимга кўринмас кирраларини ёритиш орқали ўзига жалб қилади.

Нопрофессионал ёки фуқаролик сайёҳ журналистлари саёҳатларни хуш кўрувчи ва уни касбга айлантирмоқчи бўлган шахслардир. Уларнинг кўпчилиги журналистика соҳасидан йироқда бўлганлари боис, трэвел курсларда таҳсил олиб ўз билим ва кўникмаларини оширадилар, сайёҳ журналист учун керак бўлган ҳислатлар, уларга қўйиладиган талаблар, трэвел маҳсулот тайёрлаш қоида ва сирларини таҳсил давомида ўрганадилар. Улардан кўпроқ ўқиш ва ўрганиш талаб этилади. Уларнинг айримлари яқка саёҳат қиладилар, айримлари эса трэвел ўқув курслари томонидан ташкиллаштирилган объектларга саёҳат уюштирадилар. Сайёҳат натижасида тайёрлаган ишларини матбуот, телевиденье ва радиога тақдим этиб пул ишлайдилар. Улар мурожаат этадиган муассасалар асосан хусусий ташкилотлар бўлади.

Сайёҳ журналист Григорий Кубатьян “Йўлдаги ҳаёт” интернет блогидаги илмий изланишларида сайёҳлик журналистикаси фаолиятида асосан қуйидаги мавзуларни учратиш мумкин деб санаб ўтади:

- асосан туристларни қизиқтирувчи турли дам олиш масканлари, курортлар ҳақида шарҳлар ёки бирор жойга ҳақидаги йўл очерклари;
- бирор махсус нарсага ишқивозликлар, хобби, аудитория ва муаллиф қизиқишлари мисолида: коллекционерлар учун маслаҳатлар ёки бирор клубга саёҳат ҳақида;
- турли ёшдагилар ва ҳар хил оилалар учун махсус маълумотлар: оилавий дам олишнинг журналистик тажрибалари, турли давлатлардаги урф – одат ва анъаналар ҳақида;
- бизнес йўналиш: чет эл архитектурасининг ўзига хосликлари, тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқалар тўғрисида;
- чуқур ва долзарб бўлган муаммоларнинг ечими бўйича саёҳатлар сфераси: халқаро конфликтлар, экотурлар ва бошқалар бўйича.

Г.Кубатьян сайёҳлик журналистикасини ўз специфик кучига кўра бир неча жанрларга бўлган:

- Йўл очерки – журналистиканинг бадиий – публицистик жанри бўлиб, муаллиф йўл бўйи бошидан кечирганлари, керакли ва қизиқарли маълумотлар, турли инсонлар билан учрашувларни журналистик коидаларга кўра бадиий тарзда акс эттиришидир.
- Йўл қайдлари – ушбу жанр бизга чегараларни йўқотган ҳолда, ўзимизни ўша замон ва маконда ҳис этган ҳолда воқеаларни кўз олдимиздан ўтказишга ёрдам беради.
- Умумтасвирий - жамиятда бўлаётган воқеаларга бўлган муаллиф қараши ва унинг ана шу жараёнга чуқур кириб боришидир.
- Шарҳ – кўрсатмали хабарларнинг асосий қисми бўлиб, таҳлилий материалдир.
- Баён – асосий мазмуни ёзиш аввалидаги программали хабар бўлган, сайёҳлик журналистикасига оид аналитик материал.
- Журналлар типологияси – травелоглар томонидан турли мавзу ва йўналишлардаги журналлар тузилиши.
- Репортаж – сайёҳ журналистларнинг ўзлари турган воқеа жойидан барча учун муҳим ва шу билан бирга қизиқарли хабар етказиши.
- Интервью – сайёҳ журналистнинг ўз мавзусини ўша ернинг туб аҳолиси, касбдошлари, ўзга саёҳатчиларга юзланган ҳолда турли саволлар орқали очиқ бериши.

Саёҳатчи журналистлар тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, биз ушбу сайёҳлик журналистикаси жанрларининг синтезини учратамиз. Мисол учун, бирор ердан лавҳа тайёрланганда унда йўл очерки, шарҳ ва интервью ҳам бир вақтда қатнашиши мумкин.

Бугунги кунда сайёҳлик журналистикасида мавзу йўналиши билан бирга муаллифлик спецификаси жиҳатидан ҳам анчайин ўзгаришлар кузатилмоқда. Шунинг учун ушбу йўналишнинг ўзаро таъсири ва ҳаракатини

кўрсатган ҳолда нафақат профессионал, балки фуқаролик журналистикаси контекстида кўрсатиш муҳимдир.

Бироқ, сайёҳлик журналистикаси ўз шаклланиш босқичида бир қатор қийинчиликларни бошдан ўтказмоқда. Сайёҳ журналистнинг роли саёҳатчи сифатидаги тажрибалари ва ўзга саёҳатчилар тажрибаларини англаган ҳолда ўз фикрини баён қилишида кўринади. Шунга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бунда асосий муаммо тревелоглар яъни саёҳатлар ҳақидаги блогларни олиб борувчи муаллифлар, сайёҳлик журналистикаси соҳасида фаолият юритувчилар ўз материалларида одатий қолиплардан воз кечишлари зарур. Шунингдек, жараёндан субъектив хабардорлик борасида журналистнинг жамият олдидаги жавобгарлиги ва объективлиги, тревел-контент ишлаб чиқаришдаги иқтисодий факторларга таъсир этиш, чет тилларини билиш ва бошқаларни шу каби муаммолар қаторига кўшиш мумкин.

Замонавий сайёҳлик журналистикаси матлубот ва реклама режими асосига қурилган. Буни албатта, "йўл очерки" жанри билан таққослаган ҳолда ҳисобга олмоқ зарур. Натижада таҳлилий ва ҳужжатлилик иккинчи ўринга ўтиб бормоқда. Замонавий ўқувчини фақатгина ўз материалларини гўзал муқоваларга ўраган ҳолда алдаш керакмас. Энг биринчи навбатда аудитория ва унинг эҳтиёжини таъминлаш лозим. Шу билан бирга ўқувчининг хабар ва маълумотларни танқидий баҳолай олиши, реалликни жозибали реклама тасвирларидан ажрата олиши муҳим саналади.

Бугунги кунда замонавий аудиториянинг талаблари асосида йўл очеркининг классик жанрига мослашув кузатилмоқда, бунинг самараси ила ўз навбатида профессионал ва фуқаролик журналистикасининг саёҳатлар ҳақидаги янги кўринишлардаги хабар ва мақолаларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий сайёҳлик журналистикаси соҳаси шаклланиш босқичида бўлиб, ҳали назарий жиҳатдан етарлича ўрганилганилмаган. Саёҳатчи журналистлар томонидан профессионал тажриба алмашинуви, дунёдаги ривожланган мамлкатларда ўз касбини саёҳатга айлантirmoқчи бўлганлар

учун махсус ўқув курслари ташкил этилган. Юртимизда сайёҳлик журналистикаси янги соҳа, уни ривожлантириш, омма ва соҳа мутахассислари учун бевосита адабиётлар, илмий тадқиқотлар зарур.

1.2. Глобаллашув жараёнида туризм ривожини ва сайёҳлик журналистикаси

Глобаллашув – кишилиқ жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик ахборот, маданий, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. Ер шарининг турғун транспорт йўллари билан бирлаштирилиши, ахборот технологиялари ривожланиши натижасида янгиликларнинг қисқа вақт ичида дунёга тарқалиши глобаллашувнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак - бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”, – деб алоҳида таъкидлайди юртбошимиз⁴.

Глобаллашув – XXI аср жаҳон хамжамияти ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бош хусусиятларидан биридир. Замонавий ижтимоий фанлар ўрганадиган масалалар орасида “глобаллашув” мавзусидан кўра оммавийроқ мавзунини топиш қийин. Глобаллашув ҳодисаси социология, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва бошқа фанлар соҳасида тез-тез муҳокама этиб туриладиган масала бўлсада, тадқиқодчиларнинг унинг аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги фикрлари бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Глобаллашув муаммоси нафақат ўзининг фазовий кўлами, балки

⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 111 б.

барча билим соҳалари вакиллари қизиқтирувчи кўплаб жиҳатлари, кирралари билан ҳам жуда улкан ҳодисадир. Шу туфайли баъзи тадқиқотларда глобаллашувнинг иқтисодий ташкил этувчиларига, товар ва хизматлар ягона бозорининг вужудга келишига, иккинчиларида – ягона инфор­мацион майдоннинг вужудга келишига, учинчиларида эса - ягона маданий стандартлар шаклланишига урғу берилади. Шундай бўлсада, кўпгина олимлар ҳозирги даврда глобаллашув объектив реал ҳодиса эканлигини, унинг технологик, молиявий, инфор­мацион, сиёсий, маданий, экологик, ижтимоий жиҳатлари билан нафақат ривожланган мам­лакатлар, балки барча давлатлар юзма-юз турганлигини тан оладилар. Бошқача қилиб айтганда, дунёда глобал сифат ўзгаришлар содир бўлиб, у инсоният ҳаётида ўта жиддий тарзда акс этиб, уни бу ўзгаришларга фаол жавоб қайтаришга мажбур қилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи-назардан қараганда, бу жараён мутлақо ян­гича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифодаламоқда”⁷.

Кўпинча глобаллашув жараёнининг салбий жиҳатларига эътибор қаратамиз. У ҳақда гапирилганда тер­мо­ядро уруши, халқаро террорчиликка қарши кураш, тинчликни таъминлаш, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш каби глобал муаммолар кўз олдимизда гавдаланади.

Бироқ, глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари талайгина. Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар,

⁷ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 111-б.

капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

“XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин”⁸.

Глобаллашув жараёнининг тез суръатларда ўсиб бориши ва янги технологиялар тараққиёти туризмнинг профессионал фаолият тури сифатида ёйилишига имкон яратмоқда. Глобаллашув жараёнининг маҳсулотларидан бири – журналистиканинг замонавий йўналишларидан бўлган, йўл очаркиннинг замонга мос тарзда модернизациялашган трансформацияси ҳисобланган трэвел журналистикадир.

“Глобаллашув жараёни ҳукм сураётган бораётган бир даврда у кириб бормаган ер йўқ. Айтиш мумкинки, сайёҳлик журналистикасининг глобаллашув жараёнига таъсири каттадир. Яъни, у бир давлатни иккинчисига танитиш орқали глобаллашув жараёнида қатнашади. Шуни айтиш лозимки, сайёҳлик журналистикаси маданият, тил, дин, урф-одат ва бошқаларни алмашинувида бевосита иштирок этиб, уларни бойишига хизмат қилади”⁹.

Бизнинг ҳаётимизга катта таъсири бўлган глобаллашув жараёнининг

⁸ Иззатилло Нуритдинов, Тўлқин Эшбеков. “Оммавий маданият” ва мафкуравий иммунитет, ТОШКЕНТ ЎзДСИ – 2010, 50 бет, 13-14 б.

⁹ Воронежский государственный университет. Факультет журналистики. Проблема массовой коммуникации: новые подходы. Материалы Всероссийской научно-практической конференции аспирантов и студентов. Воронеж 2014. Часть 1. 142 б. 19-20 б.

энг нозик жиҳатлари-ю, унда шиддат билан кечаётган жараёнларни ўрганишда албатта журналистиканинг ушбу турига мурожаат қиламиз.

Ушбу соҳага жиддий қаралмаса-да, трэвел журналистика истеъмолчилар оммаси билан бирга журналист ва изланувчилар томонидан кўрилганда ҳам айнан ушбу журналистика йўналиши инсонларнинг миллий идентификациясига таъсир этади, бир маданий контекстан бошқасига ўзгаришга олиб келади, турли маданиятлар бирлашувига хисса қўшади.

Мисол учун, Ҳиндистон ҳақида маълумотга эга бўлмоқчимиз. У ҳақида энциклопедиядан излаб топдик ва ўқиб чиқдик. Аммо, у ерда Ҳиндистон филлари, йога, махаражалар ва хуштаъм таомлар-у, ундаги бетакрор зияворлар ҳақида маълумотлар борми? Биз булар ҳақида фақатгина сайёҳ журналистларимиз томонидан ёзилган ажойиб мақола ёки фотоальбом ё бўлмаса қизиқарли кўрсатув орқали кенг маълумот ва таасуротга эга бўлишимиз мумкин.

Илгари инсонлар бирор нарса ҳақида кимлардандир эшитишган. Сабаби, барчада ҳам саёҳатга, воқеа жойини ўз кўзи билан кўришга имконият бўлмаган. Бирор янгилик ё бўлмаса хабар оғизма – оғиз бир кишидан иккинчисига етиб келган. Табиийки, ўша маълумот тўлиқ ва аниқ бўлмаган.

Бугун эса ҳар бир уйда телевизор, компьютер, интернет бор. Техника шу даражада шиддат билан ривожаланмоқдаки, ҳар кун янги имкониятларга эга, ақл бовар қилмайдиган техник қурилмалар яратилмоқда. Бу эса албаттаки, глобаллашув жараёни билан узвий боғлиқ.

Глобаллашув медиамаконида трэвел программалар замонавий телевидениенинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Булар замонавий медиа ҳаёт деб аталади. “Замонавий медиаҳаёт – инсоннинг инсонни кузатишидир. Яъни томошабин ёки ўқувчи афсоналарга ишониб юрмайди, у дунёни ҳақиқатан билади, ўз кўзи билан кўради”¹⁰. Мисол учун, Африка фақат ёввойи ҳаёт, яъниким йиртқич ҳайвонлар-у, ёввойи қабилалардан

¹⁰ Инна Показаньева. Трэвел-журналистика как явление современного медиапространства. "Медиаскоп". inna_pokazanyeva@yahoo.com. <http://www.geografia.ru/travelj.html>

иборат эмаслиги, ё бўлмаса, Ўзбекистонда қабилалар эмас Европадан қолишмайдиган замонавий кишилар яшаши каби.

“Шум бола” кинофильмини бир эсланг, супада Ҳожибобо ва унинг шогирдлари муҳим масалар бўйича суҳбатлашмоқдалар. Шунда, улардан бири Гермон деган саккиз бошли махлуқ ҳақида гапирадилар. Ўзининг асосий душмани ҳақида шундай тушунчага эга бўлган оми халқдан яна нима кутиш мумкин.

Элфрид Фюрзих фикрича, “ўзга маданият” медиапрезентацияси глобаллашув даврига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Сайёҳ журналистнинг роли “ўзга”лар билан тажриба алмашинувида, яъни, қайсидир давлат ёки маданиятнинг ичидан “янгилик” топиш ва ана шу “янгилик”ни ихтиёридаги билимлар даражаси билан боғлашида кўзга ташланади.

Замонавий медиамакон томошабинда - атрофида, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабатни шакллантиради, уни лоқайдлик ва бепарволикдан ҳимоялайди. Натижада кишилар эҳтиёжини қондириш учун янги, аниқ, тезкор, ишончли ва сифатли кўрсатувлар, мақола ва китоблар кўпаяди, бу эса интеллектуал инсонлар сонининг ортишига сабаб бўлади, шу орқали мамлакат ривожини таъминланади.

Кўпинча чет элликлар ва чет эл маданиятининг миллий контентда ёритилишининг таҳлили қилинганда, тадқиқотчилар матбуот ёки телевидениедаги халқаро янгиликлар мазмунини ўрганишади. Муайян журналистика жанрининг илғорлик ва устунлик даражаси эса унинг қанчалик кўнгилочарлик характерида эга экани билан белгиланади. Томошабинларнинг жиддий халқаро янгиликларга бўлган қизиқиши пасайиши муносабати билан кўпчилик оммавий ахборот воситалари, масалан, америка нашриёти анъанавий хорижга мансуб саҳифаларини олиб ташлаш ва махсус корреспондентларнинг сонини қисқартиришга мажбур бўлди. Ҳозирги кунда оммавий ахборотнинг анъанавий воситаси учун жаҳон янгиликлари (уруш ва тартибсиз ҳолатлардан ташқари) илгариги мавжуд диққат-эътиборни кўрсатмаяпти. Бироқ, “бошқа” образларнинг

тасвирланиши одатий янгиликлар маълумоти ва программасига айланмоқда. Замонавий фильмлар, сериаллар, реалити-шоулар туризм муайян йўналишининг машҳурлигига туртки бўлмоқда, мамлакат ва географик жойларнинг дунё саҳнидаги ижобий/салбий томонларини кўрсатмоқда. Хилма-хил глобллашувни бирга олиб борувчи жараёнларни яхши тушуниш учун, шу жумладан, масс медиани ҳам, оммавий ахборот воситалари тадқиқотчилари трэвел журналистика ва унинг турли хил кўринишларига эътибор қаратишлари зарур. Ушбу йўналишнинг тадқиқ қилиниши бир карашда сезилмайдиган, аммо ҳар кунимиз учун таъсири кучли бўлган глобллашув жараёнининг нозик томонларини очишга ёрдам беради.¹¹

Замонавий медиамакон томошабинда - атрофида, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабатни шакллантиради, уни лоқайдлик ва бепарволикдан ҳимоялайди. Натижада кишилар эҳтиёжини қондириш учун янги, аниқ, тезкор, ишончли ва сифатли кўрсатувлар, мақола ва китоблар кўпаяди, бу эса интеллектуал инсонлар сонининг ортишига сабаб бўлади, шу орқали мамлакат ривожига таъминланади.

Вебстер тузган луғатда “турист” сўзига “завқ олиш ёки қизиқувчанлик юзасидан саёҳат қилувчи киши” деб таъриф берилса, XIV асрдаги луғатда эса қизиқарлироқ маълумот бор, яъни: “завқ олиш учун, қиладиган иши бўлмагани учун, ҳаттоки кейинчалик ўзаро мақтаниб юриш учун саёҳат қилувчи ғаройиб одамлар” деган таъриф мавжуд.

Туризм лотинча “тур” сўз ўзагидан иборат бўлиб, унинг луғавий маъноси “айланиш”, “ўйин ўлчови”, “бирон мақсад йўлида ҳаракат қилиш” каби ижтимоий – маданий ва тарбиявий жараёнларни билдиради. Унинг асл мазмуни эса атроф – муҳитлар, тарихий ва маданий обидаларга сайр қилиш, дам олиш, ўтмиш ҳамда давр мўжизаларини ўрганишга қаратилган.

¹¹ Инна Показаньева. Трэвел-журналистика как явление современного медиапространства. "Медиаскоп". inna_pokazanyeva@yahoo.com. <http://www.geografia.ru/travelj.html>

Демак, “...ҳозирги давр ибораси билан айтилса, туризм сайр (экскурсия) – саёҳат (туризм) йўли билан тарихий шаҳарлар, саноат марказлари, равнак топаётган маданий ҳаётимизни кўриш, томоша қилиш, мақсадли равишда у ёки бу воқеаларни ўрганиш, шу асосда дам олиш, ҳордиқ чиқаришни билдиради”¹².

Замона ўтиб бориши билан тарих юзасига кўплаб машҳур саёҳатчилар чиқишди, уларнинг саёҳатлари ҳақида китоблар битилди, тилларда дoston бўлиб, биз учун ўрناк қилина бошланди. Бунинг туризм ривожланишидаги аҳамияти шунда бўлдики, биринчидан, машҳур саёҳатчиларнинг саёҳат тажрибаларидан фойдаланиш ўзгалар учун фойдали бўлади; иккинчидан, бу одамларнинг саёҳатга чиқишдан бўлган мақсадларини аниқлаб, саёҳат турларини бир-биридан фарқлаб олиш учун фойдали бўлдики, натижада у туризмнинг аниқ шаклларда шаклланишига асос бўлди. Яъни, Фарбий Европа тадқиқотчилари бундай манбалардан фойдаланиб яратган назариялари туризмнинг ҳозирги даражагача ривожланишига олиб келди.

Бугунга келиб туризм иқтисодиётнинг энг муҳим қисмига айланди, десак муболаға бўлмайди. У катта молиявий фойда келтиргани сабабли саноат сифатида маданият ва ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатиб, халқаро миқёсда изланишларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, туризм мамлакатни ривожлантириб, унинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини оширишга ҳам хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёт борасидаги сиёсатига назар ташласак бунинг исботини кўриш мумкин. Туризм эса бевосита саёҳат билан боғлиқдир. Саёҳат ўз навбатида журналистика билан боғлиқ тарзда олиб борилади.

Глобаллашув жараёни, янги технологик имкониятлар, саёҳатлар учун экскурсия турларининг нархлари пасайиши туризмга талаб кучайиши ва унинг кенгайишига олиб келди. У оммавий ўйин-кулгига айланди. Туристлик оқим нафақат шунчаки саёҳат истовчиларни, балки ишбилармон туристлар,

¹² Р.А.Қосимова. Туризм ва уни ўқитиш методикаси. 142 бет. Т.: Алпомиш, 2008. 3-б.

иммигрантлар ва қашшоқлар, барча-барчани ўзига жалб этди. Туризм иқтисодиётнинг энг муҳим қисмига айланди. У 1975 йилдан бошлаб дунё бўйича йилига 4 % га ошмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра 2030 йилда халқаро туристлар сони 1,9 миллиард кишига етади, бу эса бугунги кундаги туристлар сонининг икки баробари дегани. Туризм катта молиявий фойда келтиргани сабабли саноат сифатида маданият ва ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатиб, халқаро миқёсда изланишларга сабаб бўлди.

“Туризмнинг жаҳон хўжалигидаги ҳиссаси йил сайин ошиб, у мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур соҳа дунёдаги кўпгина давлатларнинг даромад манбаи сифатида уларнинг миллий иқтисодиётига ижобий таъсир этмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда мазкур тармоққа эътибор кучли.

Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини жаҳоннинг барча чеккаларидаги истеъмолчиларга маркетинг фаолиятларини кўллаб ахборот етказиш зарур”¹³.

Туризм орқали инсон дунёқарашини кенгайтиради, шахсий фикрига эга бўлади, ўзга юрт анъана ва маданиятини ҳурмат қилишни ўрганади. Бу орқали эса ўз маданиятини яхшироқ тушунади ва унинг қадрига етишни ўрганади.

Сайёҳлик журналистикаси туризмни ривожланиши учун замин ҳозирлаб беради. Бизнинг эса асосий мақсадимиз мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишидир. Шу сабаб журналист кадрлардан сайёҳ журналистлар сонини кўпайтириш борасида чоратадбирлар кўриш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сайёҳ журналистлар тайёрлайдиган махсус курслар ташкил этилиши, мамлакатимиз ривожининг пойдеворини янада мустаҳкам бўлишига замин ҳозирлаган бўларди.

Постиндустриал жамиятда маданий қадриятларни халқаро товарларга айлантириш маданий-иқтисодий ривожланишнинг ҳамда иқтисодий

¹³ Ф.К.Камилова. Халқаро туризм бозори. 143 бет. Т.:Ўзбекистон, 2011. 4 - б

ресурснинг таркибий қисми саналади. Туризм, халқаро фестиваллар ва музей лойиҳалари маданият экспортини йўлга қўйишнинг асосий воситаларидандир. У ёки бу жаҳон халқлари маданияти экспортидаги ёрқин жараёнлардан бири – бу туризмдир. Эътиборли томони шундаки, туризм тижорати ёки туризм индустрияси инсоннинг моддий эҳтиёжи учун янги маҳсулот тайёрламайди. У бирор бир халқ маданиятини “пардозлайди”, эълон қилади ва сотади.

Туризм – жуда катта иқтисодий сектордир. Бошқа иқтисодий тармоқлар билан солиштирганда (автомобиль ёки нефть индустрияси) унинг ривожини паст даражада бўлса-да, дунёда учинчи ўринда туради. Санъат, музей, кўргазма ва фестиваллар туристларни оҳанграбодек ўзига жалб этиши натижасида маданий туризм сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланмоқда. Бу ҳолатдан музейлар унумли фойдаланиши ва мазкур жараёнда етакчи муассасалардан бири бўлиши даркор.

Республикада мунтазам ташкил этилаётган “Шарқ тароналари”, “Асрлар садоси”, “Биеннали” халқаро кўргазма ва фестиваллар нафақат ўзининг ғоявий, ижодий хусусиятлари балки, маданий экспортни, Фарбда кенг қўлланилувчи “маданий (ижодий) индустрия”ни ривожланишига катта таъсир кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Бу эса ўз ўрнида миллий кадрларнинг тикланишига ва шу орқали маданий ресурсларнинг бойишига хизмат қилади. Афсуски, мазкур фаол жараёнда республикадаги бадиий музейлар ўзларининг маърифий ва ташкилий фаолиятлари, ижодий лойиҳалари билан жонбозлик кўрсатишмаяпти. Ахборотлар даври ҳисобланган XXI асрда халқаро фестивал ва йирик лойиҳаларда музейларнинг фаол ҳаракати, ташаббускорлиги муҳимдир. Бу эса яна бир бора музейнинг ривожланиш концепцияси, музей маркетинги ва менежментини шакллантириш каби масалаларни кўндаланг қўяди. Россияда ҳар йили “Петербургда музейларида болалар куни”, “Музейларда тун” ёки “Анъанавий музейларда замонавий санъат” каби йирик фестиваллар ташкил этилади. Бу албатта мамлакатдаги музейларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритишларига, малака ва ютуқларини алмашишларига таъсир кўрсатади.

Республикада амалга оширилаётган музейшунослик фанига доир тадқиқотларда музей ишидаги асосий фаолият турлари, жумладан, “музей ашёларини тўплаш, уларни тизимлаштириш, жамғармаларни бойитиш, ашё-буюмларни таъмирлаш, консервация услубларини яратиш масалаларидан тортиб, музей экспозициялари, экспонатлар, уларни безаш ва намойиш этиш усуллари оқсаётганлиги” муаммолари кўтарилган ва уларни бартараф этишга доир умумий музей иши тажрибалари ёритилган. Сўнгги ўн йиллик ичида музей иши амалиётида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда музейларни қайта ташкиллаштириш бўйича маълум бир тажриба мавжуд. Жаҳон музейшунослигида синалган малака ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, илғор технологияларни ўзлаштириш республика музейларини модернизация жараёнига олиб кирилаётганини кўрсатади. Музей модернизацияси бевосита жамиятда ва маданиятда унинг янги ролини ўзгариши ва шаклланиши билан боғлиқдир. Зеро глобал ахборотлар шароитида улкан информация ресурсини – маданий меросни тарқатувчиси сифатида музейнинг роли табиий равишда ошади.

Музей иши ҳар бир фаолият турида юқори самарадорликни кўзлаб, ривожланиш концепциясига, истиқболли режага амал қилган ҳолда модернизация жараёнига қўшилиши замон талабидир. Республикадаги музейлар соҳада юқори малакани қўлга киритган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этиши ва ўзига хос янги имкониятларни ишлаб чиқиши лозим. Музей ва музей ходимлари халқаро ёки фанлараро лойиҳаларда қанчалик кўп қатнашса, шу қадар катта малакага эга бўлиб, мазкур жараённи тезлатишга сабабчи бўладилар.

Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация жараёни натижасида у таълим, коммуникация, маданий ахборот ва ижодий янгиликлар марказига, “мослашувчан институционал тизимга” айланади. Ҳар қандай тарихий, ижтимоий шароитларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни доимий равишда маданий ва маърифий эҳтиёжларга ҳозиржавоб бўладиган масканга айлантириш мумкин.

Кўплаб замонавий ривожланган музейлар менежмент технологияларини қўллаш орқали муваффақиятга эришаётганлиги маълум. Бу музей фаолиятини концептуал модернизация этишнинг асоси ҳисобланади. Менежментнинг асосий қуролларидан бири истиқболли режа бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, амалга ошириш ва назорат қилишдан иборатдир [3.1.б.34]. Бу режа музейда вужудга келган вазиятни тубдан ўрганиш, молиялаштириш ҳамда ходимларни тақсимлаш нуқтаи назаридан энг муҳим устунликларни аниқлашга ёрдам беради.

II БОБ

САЙЁҲЛИК ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИЙ АСПЕКТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

2.1. Тарихий адабий меросда сайёҳликка оид манбалар таҳлили

Саёҳат ва туризм – бизнеснинг бир-бирига алоқадор соҳалар мажмуи бўлиб, улар саёҳатчиларга у ёки бу тарзда хизмат қилади. Туризм саёҳат қилиш демакдир.

Сайёҳлик журналистика янги атама сифатида пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ, аммо унинг келиб чиқиши узок даврларга бориб тақалади. Биз трэвел журналистикани туризм билан алоқадорликда ўрганиб чиқсак, буни тушунишимиз осонроқ бўлади.

Туризм кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши билан юзага кела бошлаган. Ибтидоий жамоа тузумида аёллар термачилиқ, эркаклар ов билан машғул бўлишган. Жамоага бирлашган эркаклар биргаликда ов қилиб, ўз турар жойларидан узокларга бора бошлаганлар.

Ўтроқлашган аҳоли бирлашиб бир жамоа бўлиб яшай бошладилар. Бора-бора қишлоқларнинг ўсиши натижасида шаҳарлар пайдо бўлди. Бу даврларда шаҳар ҳокимлари ўзга шаҳар ҳокимлари ҳузурига ўз савдогарлари ва хизматчиларини элчи сифатида юбориб, ўзаро муносабатлар ўрната бошлашган, ўзларининг ишончли одамларини ўзга мамлакатларга аҳволни билиб келиш, қаерда қандай хавф-ҳатар таҳдид солаётганидан огоҳ бўлиш ва қаерларда бойликни орттириб олиш имкониятларини билиш учун жўната бошлашган.

Ўша даврларда одамлар ўз мақсадлари учун ҳам саёҳатга чиқа бошлашган. Улар ўзга элларни ўрганиш, ўзга шаҳарларда илм ўрганиш, узокдаги биродарлари билан кўришиш, зиёратгоҳларни зиёрат этиш ва ўз омад ҳамда бахтларини ўзга элларда синаб кўриш мақсадларида саёҳатга чиқа бошлашган, бироқ, бу саёҳатлар жуда хавфли эди. Чунки, транспорт

воситаси сифатида фойдаланилаётган жониворларнинг йўлда ҳалок бўлиши ва қароқчиларнинг хужумлари саёҳатчилар учун аянчли тугаши мумкин эди. Денгиз орқали саёҳат қилишда эса, кемаларнинг нормукамаллиги панд берар эди. Шунингдек, якка ҳолда саёҳатга чиқувчилар ҳамда яёв саёҳатга чиқувчиларнинг саёҳатлари кўпинча узоққа чўзилмас эди. Кўплаб урушларнинг тез-тез юз бериб туриши ҳам саёҳатчиларга хавф солар эди. Шу сабабли ўша даврларда саёҳатга жуда кам сонли одамлар чиқишган, саёҳатга чиқувчиларнинг аксариятини бойлиги бор кишилар ташкил этишганки, оддий фуқаролар ва камбағалларда саёҳат қилишга вақт, даромад, восита ва имкониятлар топилмас эди. Бироқ шундай бўлса-да, туризм қадим замонлардан бошлаб ривожланишга юз тутди. Масалан, қадимга Юнонистон ва Рим кўпчилик аҳолисининг Мисрга саёҳат қилганликлари маълум. Тарих отаси Геродот дастлабки қайд этилган саёҳатчилардан биридир. У узоқ муддат саёҳат қилиб, ўз саёҳатларини тўққиз китобида ёзиб қолдирган. Шу китобларда Геродот қадимги Европа ва Мисрдан бошлаб, Марказий Осиёдаги мамлакатлар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Юртимизда яшаб жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз Ибн Сино, Форобий, Беруний, ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий ва бошқалар ижтимоий турмуш шароитлари, ақл-заковатлари, изланишлари туфайли Осиёнинг кўпчилик мамлакатларини (Афғонистон, Эрон, Сурия, Ироқ, Миср, Саудия Арабистон ва ҳ.к.лар) пиёда кезганлар. Саёҳатлари давомида ўз изланишларини тўхтатмай, илмий фикрларини қоғозга туширганлар ва ҳозирги кунгача барчага қимматли, ҳамда бутун дунё олимлари ўрганаётган умрбоқий асарлар яратганлар. Уларнинг асарларида нафақат ўз мутахассисликлари, шу билан бирга ташриф буюрган ҳудудларининг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами, аҳолиси, урф-одатлари, миллий анъаналари, моддий ва номоддий мероси қатори ўзига хослик томонларини ҳам ёритганлар.

Ўзбекистон давлатчилиқ тарихида бир қатор шахсларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон олимлари эътиборини Амир Темур

сиймоси, унинг дунё тарихида тутган ўрни, темурийлар давлатининг равнақи, “иккинчи уйғониш даври” дея аталмиш маърифат, санъат, маданият, иқтисод, сиёсат ва миллий ўзига хослик ривож этган давр сифатида ҳозирги кунга қадар ўзига жалб этиб келмоқда.

Амир Темурнинг ҳаёти саёҳатларга бой бўлган. Буюк саркарда кўшини билан босиб олган ҳар бир худуднинг маданияти, санъатига бефарқ бўлмаган, қудратли давлат ривожини йўлида даврнинг етакчи меъморларини, хунарманд-усталарини юртимизга таклиф қилган. Шу билан бирга қатор хорижий давлатлар билан дипломатик алоқада бўлган. Амир Темур давлатига ташриф буюрган элчилар томонидан битилган ёзма манбалар ҳам буюк давлат қудратини баён этади. Бу борада сиёсий мақсадларда Мовароуннаҳрга келиб Туронзаминнинг гўзал табиати, мамлакат аҳолиси, салтанатнинг маънавий, маданий, иқтисодий, ҳамда ҳарбий ҳолатларини ўрганган испан элчиси Руи Гонсале де Клавихо ўз эсдаликларида жуда муҳим фикрларни ёзиб қолдирди. Ушбу китоб эса бизга соҳибқирон ва унинг салтанатини чуқурроқ ўрганиш, яхшироқ тасаввур этиш имконини беради.

“Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”ни ўқиган инсонда Амир Темур шахси ва темурийлар давлати ҳақида кенг тасаввур уйғонади. Асарда Амир Темур даври сарой ҳаёти, меъморлиги, илм фан ва юксак маданият равнақи батафсил баён этилган. Китобхон асар билан танишиш давомида гўё муаллиф томонидан ижобий ёритилган даврда яшайди.

“Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”да Амир Темур кўл остидаги мамлакат ва шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи, мукамал бадий ечимга эга бўлган меъморий обидалар (масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ каби диний иншоотлар, саройлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар каби қатор дунёвий меъморлик намуналари) ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга Амир Темур давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, сарой ички ҳаётида

амалда бўлган тартиб-қоидалар, ниҳоят Амир Темур оиласи, хаттоки хотинлари, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

Кундаликда ўрта асрлардаги Европа ва Осиёдаги ҳаёт манзаралари, турли халқларининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, ривоятлари, тартиб-қоидалар, ўша давр табиати, иқлими, денгизлар, ороллар, кумлик саҳролар, поёнсиз даштлар, тоғлар, кўллар, обод ва ҳароба шаҳарлар тўғрисида ғоятда ранг-баранг, кенг қамровли ноёб маълумотлар берилган. Асарда ўрта асрларга оид комусий маълумотлар, кузатишлар кенг, батафсил ва раво тилда битилган.

Руи Гонсале де Клавихо Амир Темур ҳузурига келгунча босиб ўтган худудлари, тўхтаб ўтган шаҳарлари, учраган одамлар ҳақида сўзлаб ўтади. Кешга етиб келгач, уни шундай тасвирлайди: “Пайшанба куни Кеш деб аталган катта шаҳарга келдик. Кеш текисликда жойлашган, бағрида кўплаб ариқлар ва анҳорлар оқади, шаҳарда боғлар ва уйлар кўп. Аҳоли зич яшайдиган қишлоқлар, кўм-кўк ўтлоқзорлардан иборат, сувга сероб. Бу текислик ёзда жуда чиройли манзара касб этса керак. Текис, суғориладиган далаларга буғдой, пахта, қовун-тарвуз экилган, ҳаммаёқда тоқзорлар ва мевали боғлар. Шаҳар атрофи тупроқ кўрғон ва чуқур ҳандақлар билан ўралган. Шаҳарга кириладиган дарвозалар олдида кўтарма кўприклар бор.

Подшоҳ Темурбек авлоди шу шаҳардан. Унинг отаси ҳам шу ерлик”¹⁴.

Асарда даврнинг миллий урф-одатлари, анъаналари ҳақида жуда қизиқ, ҳамда қимматли маълумотлар олиш мумкин. Масалан, зиёфатда ўлтирган ҳар бир кишининг олдидан ортиб қолган таом, удумга кўра, уларнинг уйларига юборилган, кўлига тутқазилган майни охиригача ичмаслик меҳмондорчилик соҳибига ҳурматсизлик белгиси ҳисобланган. Шунингдек, подшоҳдан келган мулозимларга совға бериш салтанат ҳукмдорига нисбатан ҳурмат белгиси саналган. Клавихонинг ушбу манбада

¹⁴ Руи Гонсале де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) йиллар. Т., Ўзбекистон 2010. 236 бет. 98 б.

номларнинг, масалан, Амир Темур, турк подшоси Боязид, турли жой номларининг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар бериб ўтгани, муаллифнинг темурийлар салтанатига чуқур қизиқиш билан қараганлигидан далолат беради. Зеро, Ғарб давлати вакилининг Шарқ урф-одатлари, Амир Темур шахсияти, темурийлар давлатининг ёзилган ва ёзилмаган қонунлари, унда эркак ва аёллар мақоми, жойларнинг ғоят гўзал ва аниқ ёзма тасвири, шу билан бирга ушбу улкан салтанатнинг парчалашниш сабабларини келтириши ўзбек халқи учун қимматбаҳо тарихий эсдаликдир.

“Термизда элчиларга катта иззат-икром кўрсатишди, ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашди, уларга шоҳи тўнлар кийгизишди.

Бу ерда подшоҳ томонидан элчилар хузурига юборилган янги чопар келди. У элчиларни подшоҳ номидан муборакбод этди. Чопар элчиларнинг сафари қандай кечаётганини, йўлда ўзларини қандай ҳис этаётганини, жойларда қай тарзда хизмат кўрсатилаётганидан огоҳ бўлмоқ ва элчиларнинг Самарқандга қачон етиб келишларини билмоқ учун юборилганини маълум қилди. Чопар қайтиб кетаётганда унга ҳам кимхоб тўн кийгизишди. Шунингдек, подшоҳ номидан элчилар хузурига юборилган ва биз билан кетаётган аввалги чопарга ҳам Флоренцияда тикилган кийим совға қилдик. Элчилар билан бирга кетаётган Бобил (Миср) султонининг элчиси ҳам уларга худди шундай совғалар ҳадя этди. Бундан ташқари, у подшоҳ юборган иккинчи чопарга от ҳам тақдим этди. Чунки подшоҳ тарафидан юборилган кишига, подшоҳга ҳурмат юзасидан совға тақдим этиш бу ерда одат ҳисобланади. Подшоҳга ҳурмат юзасидан тақдим этилган совғалар, сонига қараб, уларнинг саҳийлигига баҳо берадилар ва бундан фахрланадилар”¹⁵.

Муаллиф Амир Темурнинг босиб ўтган йўлларини ўрганар экан бевосита турк подшоси Боязид билан боғлиқ маълумотларга, шу бирга соҳибқирон исмининг маъносига, айрим шаҳарларнинг номланиш тарихига ҳам қуйидаги аниқликларни билдириб ўтган: “Темурбек мағлуб этган турк

¹⁵ Руи Гонсале де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) йиллар. Т., Ўзбекистон 2010. 236 бет. 98 б.

подшосининг номи Альдайри (Елдириим) Боязид яъни чакмоқ Боязид деган маънони англатади. Чакмоқ турк тилида “елдириим” деб аталади. Боязид унинг ҳақиқий исми эди. Отасини Амират (Мурод) деб атар эдилар. У ажойиб баҳодир киши бўлган. Шунингдек, Темурбекнинг асл исми биз атагандек Темурлан эмас, Темурбекдир. Чунки Темурбек уларнинг ўз тилида “Темир подшо” дегани, подшо эса уларнинг тилида “бек”. Темурлан юқоридагига батамом тескари маънони англатади. Уни таҳқирлаш маъносида Темурлан, яъни оқсоқ Темир деб атайдилар...

Элчилар Машақ Хоранза султон деган шаҳарга етиб келишди. Бу шаҳарга Муҳаммад пайғамбарнинг невараси, яъни қизининг ўғли дафн этилган экан. Уни бизга табаррук зот, деб таърифлашди. Мазкур шаҳар туб аҳоли учун зиёратгоҳ ҳисобланади. Муҳаммаднинг бу қариндошини Хуросон султони дейишар экан. Шу сабабдан, бу ҳудуднинг номи Хуросония деб аталган экан”¹⁶.

Яна бир жойда базм таасуротларини шундай ёзади: “Боғи Навда подшоҳ катта базм уюштириб, унга элчилар ҳам таклиф этилди. Базмга жуда кўп киши йиғилди. Базмда подшоҳ шароб ичишга рухсат этди, унинг ўзи ҳам ичди. Чунки уларнинг уйда ҳам, жамоат орасида ҳам подшоҳ ижозатсиз шароб ичишлари мумкин эмас. Шаробни овқат олдидан берадилар, шу қадар тез-тез ва кўп узатадиларки, пировардида, маст бўлиб қоладилар. Тўйиб ичиб ширакайф бўлмаган базм улар учун базм эмас, сайил сайил эмас. Соқийлар майни тиз чўкиб узатадилар. Ичиб бўшатишган коса ўрнига дарҳол бошқасини узатишади. Подшоҳнинг хоҳиши ва ижозати билан ўтказилаётган май базмида бирор кишининг ичмаслиги подшоҳга ҳурматсизлик, деб қаралади. Ичмаган кишининг қўлидан косаси қайтиб олинмайди”¹⁷.

Қўшин қисмлари ҳақида: “Қўшин қисмлари турли жойлардан ҳар куни тўда-тўда бўлиб, узлуксиз оқиб келарди. Уч-тўрт кундан кейин салтанат

¹⁶ Руи Гонсале де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) йиллар. Т., Ўзбекистон 2010. 236 бет. 132 б.

¹⁷ Руи Гонсале де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) йиллар. Т., Ўзбекистон 2010. 236 бет. 98 б.

чодирлари атрофида қарийб йигирма минг чодир пайдо бўлди. Ҳар бир тўданинг ўз қассоблари, ошпазлари бўлиб (бу ерда яна) яхна гўшт, ҳар хил ширинликлар.

Зеро, Амир Темурнинг инсоният олдидаги буюк хизматлари синмас ҳақиқат. У нафақат Ватанини чингизий мўғуллар истибдодидан халос қилди, айни пайтда, у мўғуллар истибдодининг қудратли таянчи бўлган Олтин Ўрдани тор-мор этиб, Шарқий Европа мамлакатлари, айниқса, Россия ва Украинанинг чингизий мўғуллар исканжасидан қутулиб чиқиши учун қулай шароит яратди. Шунингдек, Амир Темур 1402 йилда Анқара ёнида Боязид I устидан зафарга эришгач, бутун Европа турк султониға қарамликдан қутулиб, кейинги эллик йил мобайнида эмин-эркинликда нафас олиб яшади. Шу сабабли, ўз даврида европаликлар томонидан Амир Темур “Европа халоскори” деб эътироф этилган эди. Ҳатто, миннатдорчилик рамзи сифатида, европаликлар унинг от устида мағрур турган ҳолатдаги олтин ҳайкалчасини яратганлари тарихдан маълум.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ёшлигиданоқ ихтиёрий ва мажбурий турли саёҳатларни бошдан кечирган. Унинг умри саёҳатларда ўтган дейиш мумкин.

“Бобурнома” асарида темурий ҳукмдорларнинг ўзаро низолари оқибатида ҳокимият қудратининг мағлубият томон кетиши, Бобур ва унинг амакиваччалари (беклар) ўртасидаги курашлар, Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари билан бўлган салбий низолари, темурийлар билан Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр учун олиб борилган қонли курашлар, айрим ноқобил ҳукмдорлар саройидаги айш-ишрат, фитналар, шунингдек, Бобур томонидан Афғонистон, Ҳиндистон каби давлатларнинг эгалланишида ҳинд ва афғон қабилаларининг қаршилиги, бу каби ҳолатларга ўз вақтида ижобий ечимда бартараф этилиши каби тарихий маълумотларнинг барчаси ҳаққоний тарзда, замонга хос жимжимадор, баландпарвоз тасвир услубидан фарқли ўлароқ, жонли ва мароқли йўсинда ҳикоя қилинади.

Маълумотларнинг кўплиги, аниқ ва тўлалиги, тарихий воқеаларнинг

ростгўйлик билан ифода этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги “Бобурнома”нинг тарихий манба сифатидаги афзалликлари жозибасини янада оширади. Бу жихатдан у кўпгина Шарк тарихчиларининг асарларидан устун баҳоланади.

“Бобурнома” фақат тарихий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар (география, тарих, санъат, маданият, этнография, ҳарбий усул ва бошқалар)нинг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерларда яшайдиган халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан ҳам астойдил қизиқиб ўрганган. Муаллиф буларнинг ҳаммасини эринмай кузатган, ҳатто турли касбдаги кишилардан маълумотлар тўплаган.

“Бобурнома” асарида айрим воҳаларнинг гўзал табиат нозу неъматлари, бир неча шаҳарлар тарихи, ундаги аҳолининг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти баён этилган:

“Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар. Фарғонада , Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, “Миртемурий” дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдир. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин ва Бухородин қовун келтуриб бир мажлисда кестурдим, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди...

Қобул вилояти тўртунчи иқлимдирдур. Мухтасар вилоятдур, тулоний воқий буллубтур. Ҳиндустоний ғайри Ҳиндустонни “хуросон” дер. Нечукким, араб ғайри арабни “ажам” дер. Ҳиндустон била Хуросонга восита бу вилоятдур. Бисёр яхши саводхонадур. Савдогарлар Хитойға ё Румға борсалар, ушмунча-ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-саккиз-ўн минг от Қобулға келур. Қуйи Ҳиндустондин ўн-ўн беш-йигирма минг ўйлуқ корвон Қобулға келур. Ҳиндустон матоъи бурда ва оқ рахт ва қанд ва набот ва шакар

ва оқоқир келтирурлар. Кўп савдогарлар бўлғайким, даҳ си даҳ чилға рози бўлмағай.

Мен аксар Ҳиндустон черикларигаким келдим, гузарлар била ўттим. Бу навбатким, келиб, Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндустонни фатҳ қилдим, Нилоб гузаридан кема била ўттим.... Ҳиндустон мамолики васеъ ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқих бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунхатий бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайваस्तтур.

Бу тарихдаким, мен Ҳиндустонни фатҳ қилдим, беш мусулмон подшоҳ ва икки кофир Ҳиндустонда салтанат қилурлар эди. Агарчи кичик-кирим раай ва раажа тоғ ва жангалда хейли бор эдилар, вале мўътабар ва мустақил бўлар эдилар. Бир афғонлар эдиким, Деҳли пойтахти аларда эди. Бхирадин Биҳарғача қобиз эдилар. Афғонлардин бурун Жуунпур Султон Ҳусайн Шарқийнинг қабзида эди. Бу жамоатни “пурий” дерлар. Буларнинг оталари Султон Ферузшоҳ ва ул салотинининг олида саққо экандурлар. Ферузшоҳдин сўнг Жўнпур мамлакатига мусаллит бўлубтурлар”¹⁸.

З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида бир қатор ҳудудларнинг номланиш тарихига ҳам оид маълумотлар келтирилган:

“Хўжанддин била Кандибодом орасида бир даште тушубтур, Ҳодарвешға мавсумдир. Ҳамиша бу даштта ел бордур. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлукуб, бир-бирини тополмай “Ҳо дарвеш”, “Ҳо дарвеш” дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар” ва ёки “Охир навбат келатургандаким, ул фурсатта Тошканд вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эрдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким “камони чочий” андин иборатдир”¹⁹.

Бобур ўз асарида ҳар бир ўтган ерининг тарихи, иқлими, шарт-шароити, одамлари ҳақида маълумот бериб ўтади. Айрим муҳим шахслар ҳаёти, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги мавқеи борасида фикрлар

^{18 20} З.М.Бобур “Бобурнома”, Тошкент, Шарқ, 2002. 336 бет,

билдиради.

“Бобурнома” асарининг XVII-XVIII асрларда кўчирилган нусхалари Ленинград, Калкутта, Агра, Ҳайдаробод, Манчестр, Лондон, Эдинбург каби шаҳарларда сақланаётгани унинг рус, инглиз, турк, француз, голланд, америка олимлари томонидан ўрганилиб таржималар қилингани, асар ҳақида бир қанча рисолалар чоп этилгани, бундан ташқари шу кунгача у жаҳон олимлари томонидан ўрганилиб, докторлик ишлари, диссертациялар, илмий ишлар олиб борилаётгани асарнинг қандай қимматга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, япониялик бобуршунос олим Эйжи Манонинг ўттиз йиллик сермашаққат меҳнати самарасида яратган илмий-танқидий матни янги ва аслиятга янада яқинроқ таржималар яратилишига тurtки бўлиши билан бирга, “Бобурнома” бўйича тадқиқотларнинг яна ҳам чуқур, самарали ва сифатлироқ амалга ошишига кенг имкониятлар яратганини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Қомусий асар юртимизда мустақиллик йилларидан кейин олимларимиз томонидан кенг ўрганилган бўлиб, изланишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижод этган Муқимий, Фурқат, Завқий каби оташнафас, маърифатпарварлик ғояларини илгари суриб, халқни жаҳолат ботқоғидан халос этиш учун ёниб куйган шоирларимиз ҳам ўз ижодлари давомида ўша давр руҳини акс эттирувчи саёҳатнома асарлар қолдирганлар.

Ўз даврининг шеъриятида эътиборли ўрин тутган шоир Муқумий саломатлиги ёмонлашгани туфайли табиблар маслаҳати билан ҳаво алмаштириш ниятида саёҳатга чиқган. Исфара, Конибодом, Тошкентнинг баҳаво жойларига саёҳат қилган. Айнан ана шу саёҳатида давомида ўзбек шеъриятида машҳур бўлган «Саёҳатнома» асарини ёзиб қолдирган.

Шоир саёҳати давомидаги қувонччию, давр жафоларини ҳам шу тариқа каламга олиб ўтади. “Саёҳатнома” туркумига кирувчи шеърларини олис Москва-ю Петербургга ҳам бориб ёзишни истарди”²⁰.

Муқимий ҳаёти давомида турли ерларга қилган саёҳатларини тасвирлаб, уч саёҳатнома ёзди: “Қўқондан Шохимардонга”, “Қўқондан Фарғонага”, “Қўқондан Исфарага”. 1953 йилда саёҳатномадан яна бир парча топилиб, у “Исфара саёҳатидан” деб номланди. Уларнинг барчаси саёҳат таасуротлари ҳақида ёзилган бўлиб, ягона ғоявий мазмунга эга.

Муқимий “Саёҳатнома”ларида амалдорларнинг бундай кирдикорларини акс эттирувчи парчалар кўп учрайди. Бу эса “Саёҳатнома”лар танқидий реализм адабиётининг ёрқин намунаси эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, унда Фарғона водийсидаги гўзал табиат манзараларининг кўтаринки руҳда тасвир қилиниши ҳам мавжуд:

Анҳору сою чўллари.

Ўйнаб келодур сувлари,

Ширинки зардолулари,

Қанду асал бекор экан.

Бундай мисралар Муқимийнинг ўз ватанини зўр муҳаббат ва эҳтирос билан севганлиги кўзга яққол ташланади.

Муқимий замондоши ва сафдоши Фурқатнинг 1891 йилда ёзган “Саргузаштнома”си шоирнинг таржимаи ҳолидир. Бу муҳим асарнинг “Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони” деб аталиши ҳам шуни кўрсатади. Бу асар Фурқат ҳаётини ўрганишдаги асосий манбалардан саналади.

Фурқат табиатан тиниб-тинчимас, янгиликларга ўч одам бўлган. У саёҳатни орзу қилиб, 1889 йилнинг баҳорида сафарга отланади, асли қўқонлик Фурқат Қўқондан чиқиб, Хўжанд орқали Тошкентга келади.

²⁰ Умид Бекмуҳаммад. Муҳтожликдаги Муқимий. “Хуршид Даврон” кутубхонаси.

Хукмрон доиралар ўртасидаги зиддиятлар туфайли Тошкентдан чиқиб, Самарқандга боради. Ундан Ашхобод, Красноводск, Каспий денгизи орқали Бакуга ўтган. Фурқатнинг Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёхати ана шундай бошланган. Бакудан Истанбулга, сўнг Арабистон, Миср, Юнонистон, Болгария, Ҳиндистон мамлакатларида бўлди. У Ҳиндистон сафари ҳақида шундай дейди:

Ер юзида кўрмадим Бомбай каби шахри азим,

Гарчи кездим Миср ила Истанбулу Булгорлар.

Ўзбек адабиёти тарихида сайёхлик журналистикаси билан бевосита боғлиқ юзлаб асарларга дуч келамиз. Тарихдан маълум қатор алломаларимиз илм-фан ривожига, ўз мутахассисликлари йўлида, ҳаёт тақдирлари суқмоқларида юрт кезганлар, бир неча хорижий мамлакатларда бўлганлар. Юқорида келтирилган мисоллар, сайёхлик журналистикаси соҳасининг тарихий босқичларини кўрсатибгина қолмай, кучли билим ва салоҳиятга эга бўлган сайёх журналистларининг авлодлар учун қолдирган бебаҳо бойликларини кўрсатади. Улар яратган асарлар ўз давр кишиларини маълум ҳудуд билан танишишларига имкон берган, қизиқтирган, ўша маскан томон етаклаган. Ушбу малакавий битирув ишининг мақсади мавзунини ёритиш давомида сайёхлик журналистикаси соҳа илдизларини бақувват этиб, турли даврдаги сайёхлик ёзма манбаларини ўрганиш, унинг келажакдаги ривожини таъминлаш юзасидан илмий изланишларини намойиш этган ҳолда, ўз тақлифларини билдиришидадир.

2.2. Сайёхлик журналистикаси сферасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ривожининг асосий тамойиллари

“Замонавий телевиденье конвергенция процессидан ўтиб бормоқда. Турли кўнгилочар дастурлар ва телешоулар сони ортиб бораётганилиги

сабаб, телевизион сайёҳлик (трэвел) журналистика жанрлари ҳам кенгайиб бормоқда”²¹.

Жиддий хабар ёки ахборотни кенг оммага сингдириш бироз қийин ҳисобланса, кўнгилочар дастур ёки кўрсатувларни эса қабул қилиниши енгилроқдир. Информацион дастурларнинг ҳам зарурияти ва ўз ўрни бор. Бу ўринда трэвел журналистиканинг афзаллиги, унда информацион ва кўнгилочар дастурлар қоришиб кетганлигида кўринади.

Сайёҳлик программаси – бу ҳужжатли фильм, кўнгилочар ток-шоулар, сериаллар, реклама роликлари бўлиши мумкин. Замонавий трэвел программалар учун икки жиҳат муҳим: биринчидан, кўрсатув форматига мос равишда (ўсмирлар ёки ёшлар, саёҳатчилар ёки уй бекалари) аниқ мақсадли йўналиш, иккинчидан оммани машҳур актёр, шоумен, сиёсатчи, бизнесмендан фойдаланган ҳолда бошловчига қаратишидир. Шу ўринда бир жиҳат эътиборлики, телевидениенинг таъсир кучи юқори бўлиши билан бирга, кўрсатувларга кўпинча маълум ва машҳурларни бошловчи қилиб олишади. Шу вақтгача меъёрга айланиб қолган “биз/улар” “биз улар орасида” формуласига ўрин бўшатади.

Сайёҳлик дастурлари турли – туман маданият ва урф-одатларни аудиовизуал тарзда олиб беради, тайёр ижтимоий – маданий механизмларни эса қўллаб – қувватлайди. Сайёҳлик дастурлари бир неча турли телевизион жанрларни ўз ичига олади, бироқ одатда аниқ бир жанрнинг аспектларидан бири устунлик қилади. Бу аспектлар келажакдаги аниқ коммуникатив мақсадларни, яъни дастур атмосфераси, тузилиши ва мақсадини етказиш йўлларини қамраб олади. Сайёҳлик дастурлари муаллифнинг қай мақсадни

²¹Инна Показаньева. Трэвел-журналистика как явление современного медиапространства. "Медиаскоп". inna_pokazanyeva@yahoo.com. <http://www.geografia.ru/travelj.html>

кўзлаганига (ўргатиш, қизиқтириш ёки ёрдам бериш) қараб хужжатли, кўнгилочар ёки тижорий ҳарактерга эга бўлиши мумкин.

Ушбу сайёҳлик дастурларини кўриб чиқиш давомида “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг кўрсатувлари мисолида таҳлил қилиб борамиз. Шу ўринда айтиш мумкинки, “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг очилиши сайёҳлик журналистикасининг телевиденьедаги ривожини йўлида муҳим кадамлардан бири бўлди.

“Dunyo bo‘ylab” телеканали бошқа каналлар қатори ўз устида ишлаб бормоқда ва аҳоли, айниқса, мамлакат ёшлари дунёқарашининг кенгайиши, таълим ва маданият йўналишидаги билимларининг ўсиши, Ўзбекистон ва бутун дунё ўсимликлари, ҳайвонот олами, бетакрор табиатига нисбатан меҳр-мухаббат ва масъулият туйғуларини тарбиялаш, экотуризмни ривожлантириш йўлида турли кўрсатувлар, телепроектлар тайёрлаб келмоқда.

“Dunyo bo‘ylab” телеканали дастурларида асосий эътибор жамиятнинг табиатни муҳофаза қилиш йўлидаги иштирокини кучайтириш, бизни ўраб турган атроф-муҳитга нисбатан жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, Ўзбекистоннинг миллий ғурур сифатидаги географик жойлари, маданий ва тарихий ёдгорликларини жаҳонга ёйиш, халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини юртимизнинг шундай объектларига қаратишдир.

Шунингдек, “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг ижодий концепцияси фаол саёҳат ва ҳордиқ чиқариш хизматларини тарғиб қилиш, мамлакат йўлида туристик саноат ривожига ўз хиссасини қўшиш, ички туризмни оммалаштириш ва шу кабилар ҳисобланади.

Канал фаолияти кундан-кун такомиллашиб бораётгани билан бирга, унда муаммолар ҳам етарлича. Улардан бири эфир ва кабел студияларининг дастури асосан россия теледастурларининг ва бошқа кўрсатувларнинг ретрансляциясидан иборат бўлиб, кўрсатув муаллифларида ушбу дастурларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи мавжуд эмас. Иккинчи муаммо, эфир телестанцияларида давлат тилидаги телемахсулотларнинг етарли даражада

мавжуд эмаслиги ва учинчи муаммо яримпрофессионал ва расм бўлган видеотехникалар дейишаётган кўпгина эфир телестанцияларининг техник жиҳатдан паст даражада эканлиги.

Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш нияти ҳаммага маълум, аъзо бўлишни бирдан-бир шарти эса конвенцияда имзоланган кўзда тутилган халқаро муаллифлик ҳуқуқига риоя қилишдан иборат. Бунда албатта, кўп давлатларда йўлга қўйилган телеэфир стандартлари назарда тутилмоқда.

Ҳужжатли режимда программа томошабинга маърифатли, билимдон субъект сифатида мурожаат қилади. Бунда илмий хабарга кўпроқ урғу берилади, дастур мақсади керакли маълумотлар билан таъминлаш, томошабинни илмли қилиш. Бундай дастурлар бошловчилари одатда – машҳур ва обрўли инсон бўлади. Дастурда географик жиҳатлар эслатилади, тарихий фактлар келтирилади, архив видеоматериаллари, расмлардан фойдаланилади. Воқеанинг бевосита қатнашчилари – ерлик аҳоли, экспертлар ва информаторлар яъни, дастур мақсадини очиб беришдаги муҳим шахслар ҳисобланишади.

“Экспедиция” кўрсатуви – илмий оммабоп тарздаги кўрсатув бўлиб, Ўзбекистоннинг турли ерларидаги табиат мўжизалари, тарихий ёдгорликлар ҳақида сўзлайди. Турли тарихий манбаларга, эксперт, гидларга мурожаат қилади. Кўрсатув нафақат ўзбек балки дунё олимларига қимматли манба бўлиб келаётган юртимиздаги археологик топилмалар, табиат бойликлари, географик жойлари ҳавола этилади.

“Сув ёқалаб” кўрсатуви – диёримизнинг турли ерларидаги сув маконларини кўрсатишга йўналган кўрсатув, ўлкамизнинг сув бойлиги, оби ҳаётнинг қанчалар муқаддас экани ва унинг яшашимизда тутган ўрни ҳақида тарихий, географик, этнографик маълумотлар бериб, бу борада ўша жой мутахассислари, журналистларига мурожаат этиб, мавзунини тўла ёритиб беради.

Шу билан бирга буюк алломаларимизга бағишланган телекўрсатувлар бугунги кунда нафақат ўз юртимиз аҳолиси, балки саёҳлар учун ҳам кизиқарли бўлиб, ватанимизнинг буюк аждодларини туристларга кўрсатиш билан, дунё танийдиган, ҳатто чет элларда улуғланаётган, уларга бағишлаб кўрсатувлар тайёрланаётган бир пайтда юртимиздаги бундай буюк алломаларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Бунинг исботини эса Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ушбу конференцияда ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби алломаларимизнинг дунё илмига қўшган улкан ҳиссалари, уларнинг ишларини ўрганган чет эл олимларининг шу қадар кўплиги қувонч билан бирга, ҳар бир ўзбек халқи фуқароси олдида юксак ғурур ва масъулият уйғотиши табиий.

Кўнгилочар дастурлар режимидаги программа томошабинга гўё “дўсти”дек мурожаат қилади. Бошловчи томошабинга бўш вақтини бирга дастурнинг кўнгилочар жанрдаги пазандалик трэвел программаларидан тортиб ўйин тарзидаги кўрсатувларгача бўлган кенг спектрдаги кўрсатувларга таклиф қилади. Урғу тубжойли аҳолини қизиқтириш, хурсанд қилишга қаратилади.

Бундай кўрсатувлар қаторига қуйидагилар киритиш мумкин:

“Всё о туризме” кўрсатуви – тажрибали, профессионал сайёҳ журналист Элмира Тухватулина турли мамлакатлар тарихи, географик ўрни, маданияти, диққатга сазовор жойлари ва шу билан бирга ушбу давлатнинг Ўзбекистон билан алоқаларини, у давлатнинг Ўзбекистонда тутган ўрни, Ўзбекистоннинг у давлатда тутган ўрнини қизиқарли маълумотлар, ажойиб роликлар, бетакрор тасвирий ечимлар орқали намоиш этади.

“Эҳтиром” кўрсатуви – журналист бирор давлат вакили, элчиси билан суҳбатда бўлиб, унинг фаолияти, қизиқишлари, унинг Ўзбекистон ҳақидаги таасуротларини очиқ беради, меҳмонга ўзининг қизиқишлари бўйича бирор касбда ўзини синаб кўриш имконини беради.

“Ўзбек таомлари” – “Uzbek dishes” кўрсатуви – кўрсатув бирор вилоят, воҳа, жой таомларини тайёрлаб кўрсатган ҳолда, ушбу жой ва таомнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Кўрсатув инглиз тилида олиб борилади. Бу эса туристлар, чет давлат вакилларининг тушунишлари ва тайёрлаб кўришлари имконини беради.

Тижорий режимдаги программа телетомошабинга “истеъмолчи” сифатида қарайди. Дастурнинг коммуникатив мақсади – телетомошабинни саёҳатга жалб қилиш, қизиқтириш ва ўша жой ҳақида хабар бериш. Тижорий режим дастурни реклама қўлланмасига айлантиради, яъни қизиқарли намоёиш ва тасвирлар, саёҳатга жўнашдан олдинги маслаҳатлар берилади, ошхона, ўйин – кулгу ва бошқа туристик маълумотлар берилади. Шу орқали трэвел дастур тижорий режими томошабинни туристик хизмат истеъмолчисига айлантиради.

“Экотур” кўрсатуви – ушбу кўрсатув ҳам “Экспедиция” кўрсатувининг йўналишида бўлиб, асосий фарқли томони кўрсатув инглиз тилида олиб борилади. Шунингдек, унда бошловчи шахсан иштирок этмасдан, матн кадр ортидан ўқилади. Кўрсатувда асосан географик жиҳатлар кенг ёритилиб, тарихий саналар ва статистик маълумотларга мурожаат этилади. Унда турли ҳудудларнинг табиий гўзаллиги, иқлим ва табиатан қулайликлари, юртимизнинг сўлим гўшалари, экотуристлик масканлар ҳақида гапирилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг музейлари, музей шаҳарлари, бой тарихимизни намоён этувчи жойларга бағишланган туристлар учун яратилган телефильмлар ҳам тижорий кўрсатувлар сирасига киради. Охириги вақтларда бундай телефильмлар кўплаб суратга олинмоқда. Унинг натижасини эса сўнгги йилларда юртимиз тарихий шаҳар ва обидаларини

томоша қилишга ташриф буюрувчи туристлар сонининг кўпайганида изоҳлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, реклама саёҳат ўрнини белгилаб беради. Унинг ривожини саёҳатнинг сони ва баҳосини ўзгартирибгина қолмай, балки бутун жамият ва иқтисодиётга ҳам таъсир ўтказади.

Бугунги - интернет бутун дунёни эгаллаб олган бир пайтда матбуот мавқеи бирмунча тушгандек, унинг таъсир кучи камаяётгандек туюлади. Бироқ, ҳозирги кунда ҳеч қайси бир интернет хабари ёки электрон маҳсулот босма нашр ўрнини боса олганича йўқ. Матбуотнинг асосини ташкил этадиган журналларга тўхталсак ва сайёҳлик матбуотига оид бўлимларини кўриб чиқсак.

Илмий изланишлар давомидаги тўпланган манбаларга асосан сайёҳлик журналларини икки турга бўлиб таҳлил этилди:

1. Илмий журналлар;
2. Илмий-оммабоп журналлар;

Илмий журналлар трэвел мавзуга назарий жиҳатдан ёндошиб, унга илмий баҳо беради ва таҳлил этади. Бундай журналлар кўпроқ тарихий, географик, этнографик мавзуларни ёритиб, мавзуга оид қизиқарли маълумотлар, илмий фикрлар билдирилади. Бундай журналлар мақолаларининг муаллифлари асосан мутахассис ва назарийчилар бўладилар. Шунинг учун ҳам бу журналлар кўпроқ мутахассилар доирасида ўқилади ва тушунилади. “Санъат” ва “Мозийдан садо” журналлари ҳам сайёҳлик матбуоти соҳасининг ривожига хисса қўшаётган илмий журналлардандир. Бу журналларда Ўзбекистоннинг тарихи ва бугуни акс этади.

“Санъат журнали” Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидаги илмий журнал ҳисобланиб, 1998 йилдан буён йилига тўрт марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади. Унда Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар санъати оламидаги ижодий жараёнлар акс этади. Журнал редакцияси ҳар бир сони орқали маълум бир ҳудуд тарихи ва маданиятини ёритиб беради. Янги,

долзарб мавзулар, замонавий бадиий жараён, журнал дизайни ва мавзуларга оид ранг-баранг иллюстрациялар замон талабларига жавоб бера олади. “Санъат тарихи” саҳифасида қадимий ёдгорликлар, ўтмиш ва замон тасвирий санъати, асрлар оша ривож топаётган халқ амалий санъати турлари, миллий урф-одатлар, турли буюм ва либослар, осори атиқаларнинг, архитектура биноларининг яратилиш тарихи назарий жиҳатдан илмий асосланган ҳолда ёритилади. Санъатшунослик фанлари номзоди Зухра Раҳимованинг “Бибиҳонимнинг бош кийими” номли мақоласида Клавихо томонидан тасвирланган Бибиҳоним ва Амир Темурнинг бошқа хотинлари кийиб юрган антиқа бош кийими – боктаг уларнинг гендер мансублиги, турмуш курганлиги рамзи бўлиши билан бирга, чингизийлар сулоласига этник жиҳатдан мансуб эканликларини исботлаб беради: “Амир Темур ва Улуғбекнинг хотинлари боктаг кийиб юрганлиги темурийларнинг Чиғатой мулкларига ҳам эгалик қилганлиги билан изоҳланади. Амир Темур сўнгги мўғул хонининг куёви бўлган. Унинг катта хотини Сароймулкхоним чингизийлар сулоласидан Қозонхоннинг қизи, мўғул маликаси эди. Булардан ташқари Амир Темур саройидаги кўпгина аёлларни бош кийимига қараб, мўғул миллатига мансуб маликалар дейиш мумкин. Маълумки, Улуғбекнинг хотинларидан бири Оға бегим Мирзо Муҳаммад Султоннинг қизидир. У она томондан Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг авлодидир. Яна бир хотини Оқ султон Хоника чингизий ҳукмдор Маҳмудхоннинг қизидир.

Бу турдаги дубулғасимон аёллар бош кийимини Ўзбекистон ФА ШИда сақланаётган тахминан XIV аср иккинчи ярмида Самарқандда ишланган “Жоми-ат-таворих” қўлёзмаси миниатюраларида тасвирланган мўғул ҳукмдорларининг хотинлари портретида, шунингдек, Улуғбекнинг ов пайти тасвирланган миниатюрада ҳам кўриш мумкин.

Амир Темур хотинлари кийиб юрган боктаглар ҳақида Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида шундай ёзади: “Кониғилда бўлиб ўтган Искандар Мирзо ва Бекиси Султоннинг тўйида Соҳибқирон

харамидаги даврнинг ҳар бир Билқиси бошларига безакдор бокгтаглар ва зарбоф либослар кийганча, куёшга ўхшаб, даврада ўтирар эди”²².

Журналда рассом усталар ижоди, шахсий ва халқаро кўргазмалар, шу билан бирга, соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқотлари доимий равишда ёритиб борилади.

Мозийдан садо журнали – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал ҳисобланиб, 1999 йилдан буён чоп этила бошлаган. Қулайлик томони шундаки, бир журналда ҳар бир мақола уч хил тилда: ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилади. Тарихимиздаги илк ҳаёт нишонлари, энг қадимий маданият ва санъат намуналари, илк цивилизация ўчоқлари, ноёб ёдгорликлар журналда илмий манбалар асосида очиб берилади. “Мозийдан садо” журнали мақолалари ёритилишида тарихан ёндошилади, тарихий, этнографик, этимологик, археологик фикрлар ва илмий фактларга таянилади.

Бу журналлар мавзу жиҳатдан ўз позициясига эга, аммо уларни шундай нарса бирлаштирадики, улар ўқувчининг интеллектуал потенциалини, онг-у шуурини, маданиятини, илмий тушуниш даражасини, ақлий имкониятларини юксалтиради, шунингдек, сайёҳларга Ўзбекистоннинг буюк ва минг асрлик тарихи, маданияти, санъати, урф-одатларини таништиради. Энг муҳими, ушбу журналлар қайси тилда ёзилмасин, унда миллийлик уфуриб туради.

Сайёҳлик журналистикаси ривожига “Жаҳон адабиёти” илмий-оммабоп журнали алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон адабиёти – адабий бадиий, ижтимоий-публицистик журнал. Икки ойда бир марта нашр этилади. Унда жаҳон адабиётининг ноёб намуналаридан парчалар, ўтмиш ва замонавий бадиий жараёнлар рукнларда ёритиб борилади. Журналнинг айнан “Глобус” саҳифасининг ҳар сони қайсидир давлат адабиёти, санъати яъни, театри, кино, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик соҳаларига бағишланади. Саҳифада ҳар бир давлатнинг келиб чиқиши, миллат сифатида қандай шакллангани, тили, дини урф-одатлари, ўзига хос томонлари яққол

²² Раҳимова З. Бибихонимнинг бош кийими. //Санъат журнали. 1/2014, № 62. Т., 2014.

тасвирланади. Демак, ўқувчи ушбу саҳифанинг ҳар бир сониди ўзи учун бирор мамлакатни кашф қилиб боради.

Саёҳатчиларга сифатли хизмат кўрсатишда авиакомпанияларнинг ўрни муҳим. Хизмат кўрсатиш қанчалар сифатли ва қулай бўлса, ундан фойдаланувчилар ҳам шунча кўп бўлади. Шу йўлда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳатто таҳририят ишини ҳам йўлга қўйган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” журнали 1993 йилдан буён ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Журналда тарих, география, археология, санъат, маданият, спорт ва ҳатто астрономия каби соҳа мақолалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида бериб борилади. Аэропорт хизматидан фойдаланётган юртдошларимиз ва сайёҳлар журнални ўқиш давомида аэропорт ҳаёти билан биргаликда, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг мавжуд ва янги йўлга қўйилган ҳаво йўллари ўтадиган турли давлатлар ва шаҳарлар ҳақида маълумотлар, ўзбек миллати вакилларининг турли соҳалардаги ютуқлари, дунё мамлакатлари ва юртимизнинг гўзал табиати, географик кенгликлари, Ўзбекистон санъати, маданияти, узок ўтмишдан бизгача мерос бўлиб келаётган урф-одат-у анъаналари, қадимий ва кўзни қамаштирувчи осори атиқалари, этнографик либослари, ўтмиши ва бугуни, илм-фан мутафаккирлари, тарихий шахслари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Мисол тариқасида, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” журналининг бир сонини кўриб чиқиб таҳлил қилсак. Журналда аэропорт ҳаётидаги хабарлар билан биргаликда, жуда қизиқ мавзулар ёритилган. Энг муҳим янгиликлардан бири, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси янги ҳаво йўли, яъни, Тошкент-Белград-Нью-Йорк транзит йўналишининг йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Йўловчилар журналдан Белграднинг географик жойлашуви, иқлими, рельефи, пул бирлиги, аҳолиси, маданияти, университет ва музейлари, дам олиш жойлари, меҳмонхоналари, хуллас, ҳар бир саёҳни қизиқтирувчи саволларга жавоб олишлари мумкин бўлади.

Туркия, Дубай, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон каби давлатларга ўзбекистонлик сайёҳларнинг ташрифи тобора ортиб бормоқда. Албатта, мовий денгиз, юмшоқ кум, олий даражадаги хизмат кўрсатиш – дам олишнинг муҳим факторлари ҳисобланади. Бироқ, кўпчилик сайёҳларни кузатадиган бўлсак, улар минерал сувлар булоқларини танлаганларини кўрамиз. Шундай жойлардан бири, нафақат МДҲ давлатлари, балки, дунёда ҳам таниқли Кавказ Минерал сувларидир. Бу ерда саёҳатчилар ўз соғлиқларини тиклаш, яхши ҳордиқ чиқариш билан бирга тарихий ғорлар билан танишиш, Михаил Лермонтов дуэли ўтган жойни кўриш, Машук тоғига кўтарилиш, кўлга ўргатилган олмахонларни ўз кўллари билан озиқлантириш имкониятларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Энг муҳими эса, Россия ҳозирда алоҳида мустақил давлат бўлишига қарамай, ушбу дам олиш жойи “Ўзбекистон” санаторияси деб аталади. “Хуш келибсиз” ушбу ўзбекча сўзлари узоқлардан кўзга ташланади. Шарк безаклари, Хива гиламлари, миллий пиёла, лаганлар, самарқанд музлатгичлари, лифтлари ва бошқалар... Минглаб километр узоқларда, ўзга давлат ҳудудида юртимизнинг бир бўлаги борлигини ҳис этиш қандай яхши.

Табиийки, бу мақола туристлар билан бирга, айниқса, ўзбекларни таъсирлантирмай иложи йўқ. Шунингдек, журналдан маҳалла, унинг қадимий анъаналари, Хоразм заргарлик буюмлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, ўзбек рақслари, унинг нозик жиҳатлари ҳақида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодиров илмий мақоласи алоҳида эътиборга молик.

Журналнинг ушбу сонида Қашқадарё вилояти Китоб туманининг гўзал табиати, шифобахш ўсимликлари, ҳайвонот олами бетакрор тарзда талқин этилгани, кўпқари ўйинлари, тандир гўштининг тайёрланиш жараёни ҳар бир сайёҳни ушбу жаннатмакон жойларга чорлайди. “Uzbekistan airways” журнали юртимизга ташриф буюрган сайёҳларга Ўзбекистон давлати ҳақида кенг маълумотлар бера олиши, ушбу журнални туристлар кўлида кўриш бизда миллий ғурур уйғотиши табиий.

Юқорида санаб ўтилган журналлар фаолияти туризм ривожига аҳамият касб этади. Бу каби жараёнларда фаол иштирок этиши, сайёҳлик журналистикасига оид нашрлар сони ва сифатини оширишда фаол иштироки сайёҳ журналистлар олдига турган асосий вазифалардан бири ва давр талаби ҳисобланади. Чунки, туризм ҳар бир давлат ривожига алоҳида аҳамият касб этувчи тармоқ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда сайёҳлик журналистика соҳасини ривожда иқтисодий факторларни ўрганиш зарурдир. Телевидение ва матбуот махсус мухбирларининг саёҳатлари ва журналистик фаолиятлари иқтисодий томондан ҳомийликка муҳтож. Барча ташкилотлар ҳам муаллифларнинг чет эл сафари, материал тайёрлашга керакли шароит учун уларни молиявий таъминлай олмайди. Бу борада туристик компаниялар ҳомийлиги ҳам муҳимдир. Бироқ, шу ўринда журналистларнинг ахлоқий жиҳатдан бунга тайёргарликлари, текин йўл кира ҳамда яшаш жойи материал сифатига таъсир қилиши мумкинлиги борасидаги ҳомийликнинг салбий жиҳатларни ҳам ҳисобга олинмоғи лозим. Бунда журналистнинг яратилган шароитни суистеъмол қилмаган ҳолда, объективлик принципига амал қилиши ҳамда ҳомийлар ва борган жойидаги ташкилотчилар хоҳиш-истакларини бир четга суриб, мавзунини ҳаққоний ёритиши кераклиги назарда тутилмоқда.

Давлат ҳам сайёҳ журналистларга ҳомийлик қилганда албатта ана шу журналистдан ўзини ижобий тарафдан дунёга танитилишини кутади. Бу ишонччи оқлаши журналист берган натижада ўлчанади.

Шундай журналлар ёки кўрсатувлар ҳам борки, улар ана шу ҳомийлар мақсадини амалга оширган ҳолда, ўз объективликларини ҳам сақлаб қолмоқдалар. Жумладан, журналлардан “National geographic”, “Вокруг света”, телеканал кўрсатувларидан эса “Discovery” ва “Моя планета”.

Ўзбекистон телеканалларида ва матбуотида иқтидори, журналистик маҳорати, ахлоқ қоидалари тўлақонли жавоб берадиган сайёҳ журналистларни тарбиялаш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ушбу журналистик фаолиятни ҳомийлар ёрдамида молиялаштиришни йўлга қўйиш зарур.

Турли тадқиқотларда ёки илмий мақолалар тайёрлаш жараёнида албатта тарихий манбаларга суянамиз. Бунда бизга турли сайёҳ

журналистларнинг қолдирган ёзма манбалари муҳим тарихий-далилий ёдгорлик саналади. Фикримизни улар орқали исботлаймиз. Журналистлик касби “экран санъати” бўлмиш телевидениедаги энг оммавий ҳамда сирқирра касбдир. Аслини олганда журналистлик иши замонавий телевидениенинг асосини ташкил этади. Уларнинг ҳаёт ҳақиқатини кўрсатувчи материалларсиз телевидение студия ичида олинган турли кўрсатув, дастурлар ҳамда намоиш этиладиган кинофильмларнинг йиғиндисидангина иборат бўлиб қолар эди. Журналистик фаолият турли йўналиш ва қатламларда олиб борилади.

Шундай универсал, кўп қиррали мухбирлар борки, улар бирор йўналиш ёки мавзу бўйича ихтисослашмайдилар. Исталган мавзу ёки нарсани етарли даражада тўлиқ таҳлил этиб бериш улар фаолиятининг негизини ташкил этади. Анчайин йирик телекомпания ёки нуфузли ахборот дастурларида аксарият ҳолларда ихтисослашув тамойили мавжуд.

“Ўзбекистонда сайёҳлик журналистикаси ривожини” мавзусидаги битирув малакавий ишида сайёҳлик журналистикаси соҳасидаги илмий маълумотлар умумий ҳолатга келтирилиб илмий таҳлил этилди. Сайёҳлик журналистикасининг тарихий аспекти бир қатор, масалан, испан элчиси Руи Гонсале де Клавихонинг “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги”, Бобурнинг “Бобурнома”, Муқумийнинг “Саёҳатнома”, Фурқатнинг “Саргузаштнома” каби асарларнинг муаллиф томонидан сайёҳат тасвиротлари орқали ёритилгани, санъатшунослик соҳа мутахассисларнинг “Санъат”, “Мозийдан садо”, “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” каби илмий-оммабоп журналлардаги юртимиз тарихи, маданияти, санъати каби мавзуларда чоп этилган қатор илмий қарашлари ўрганиб чиқилди. “Dunyo bo‘yab” телеканали дастурлари, “Экспедиция”, “Сув ёқалаб”, “Всё о туризме”, “Эҳтиром”, “Ўзбек таомлари” – “Uzbek dishes”, “Экотур” каби кўрсатувларнинг сайёҳлик журналистика ривожига тутган ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил этилди.

Жаҳон халқлари тарихи, географияси, маданияти билан қизиқмайдиган киши бўлмаса керак. Сабаби, киши ўз юртини севади, у билан боғлиқ нарсаларни эса қадрлайди, шунингдек, ўзга диёр, ундаги инсонлар ҳаётига ҳам бефарқ бўлмайди. Ана шу қизиқиш туфайли у саёҳатга чиқади, худди шу қизиқишлар эса қанча – қанча кашфиётлар, қанча – қанча янгиликларга сабаб бўлмади дейсиз. Бунга тарих гувоҳ: барчасига ана шу саёҳат сабаб.

Эрамиздан аввал ҳам мавжуд бўлган журналистиканинг бу турига жиддий қарамасликларининг асосий сабаби, унинг саёҳат билан боғлиқлигидадир. Саёҳат сўзини эшитган инсонда саёҳат бор жойда қандай иш бўлиши мумкин, дейишлари табиий албатта. Уни бошқа бир соҳа билан солиштириб кўрайлик. Масалан, санъатшунос ва томошабин. Бири сахна ё киноасар бўладими, шунчаки томоша қилади, бошқаси эса худди шу асарни томоша қилиш давомида таҳлил қилади, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўйлайди, актёрлар ва сахнани диққат билан кузатади, керак бўлса, ўша заҳотиёқ томоша зали қоронғу бўлишига қарамай, фикрларини қайд этиб кўяди. Чунки, у ишлаётган бўлади. Асарни кўриб бўлгач, ўз фикрларини ривожлантиради ва мақола ёзади, уни нашрга беради. Боиси санъатшунос ўз фикрлари билан ўртоқлашишни, мутахассис сифатидаги баҳосини билдиришни истайди. Бу унинг касби-да, шунинг учун бу ишига пул ҳам олади. Санъатшунос ҳеч бир асарни оддий кўз билан кўра олмайди. Чунки, касби унинг ҳаётига айланган.

Сайёҳлик журналистикаси ҳам шундай. Бу борада Россияда сайёҳлик журналистикаси курслари, блоглар ташкил қилган сайёҳ журналист Г.Кубатъян шундай дейди: “Трэвел журналист оддий туристдан жамият олдидаги масъулияти билан фарқланади. Турист шунчаки дам олади, нима биландир қизиқса ҳам, буни ишқибозлик учун қилади. Трэвел журналист дунёни ўрганади ва билганларини атрофдагилар билан бўлишади. У доимо маълумот тўплайди, маҳаллий аҳоли билан сўзлашади, саёҳатчи бора олмайдиган жойларга отланади. Муҳими ахборотни шунчаки йиғиш ва

тўплаш эмас, балки тайёр маҳсулотни ривожлантириш, амалга тадбиқ этиш ҳам муҳимдир. Бу газета ва журналлар, китоб, ҳужжатли фильм, шахсий фотоқўргазма, радио ва телевиденьеда интервью, лекция ва мастер класслар ва ҳатто шахсий музейни ташкил этиш ҳам бўлиши мумкин. Муҳими эса натижа!”.

Бу касб саёҳатлар оламига бой ҳаёт тақдим этиш билан бирга, бир неча қурбонликлар ҳам талаб этади. Сайёҳ журналист ўзига хос қийинчиликларни бошдан кечиради. Бунга тайёр туриши керак. Сайёҳ журналистнинг юклари доимо ҳозир-у нозир туриши керак. Бундай ҳаётга ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Айниқса, оила аъзолари бунини тушунмаслиги мумкин. Кечагина саёҳатдан келган одам, бугун барча ишларини йиғиштириб бошқа шаҳарга саёҳатга ҳозирланиши осон иш эмас. Маза қилиб дам олишнинг ҳам иложи йўқ. Турли дам олиш масканлари, қимматбаҳо меҳмонхоналар, қизиқарли кечалар, мазали таомлар... Аммо буларнинг барчасини маҳорат билан қоғозга тушириш лозим. Шу туфайли йўл – йўлакай фикрлаб ва қайд этиш керак бўлади.

Сайёҳ журналист тарих, география, маданият, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳалардан хабардор бўлиши зарур.

Муҳарририятга бўйсунмайдиган, мустақил сайёҳ журналистлар ҳам бор. Аммо, барчага талаб ягона: оригиналлик. Биз яшаётган техника асрида интернет орқали истаган мавзунимизни топиб, ўқишимиз ёки томоша қилишимиз мумкин. Унда дунёнинг ҳар бир чеккаси ҳақида маълумот етарли. Демак, ўқувчи ёки томошабин журналист мақоласини ўқир экан, ундан оддийгина интернет хабарини эмас, ўзгача ёндашув, билганларининг билмаган томонларини, тўлиқ, аниқ, фойдали ва ишончли маълумот кутади. Бу эса журналист маҳоратига боғлиқ. У нимани қандай ёрита олишни билиши зарур бўлади. Сайёҳ журналист ташландиқ жойдан ҳам гўзаллик кўра билиши керак. Шундагина у бу касбнинг моҳирига айланади. Демак, мақола ёзиш учун жозибали сўзлар-у, гўзал ерлар таърифи етарли эмас. Шундай экан, махсус курсларни битирган ҳар бир киши ўзини сайёҳ

журналист деб атай олмайди. Бунинг учун у ўз йўналиши, услубига эга бўлиши, журналистик қобилияти юқори бўлиши талаб этилади.

Чет элда ана шундай қобилиятни шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этилаган бўлиб, унда сайёҳлик журналистикаси сирлари чуқур ўргатилади. Жуда кўп мамлакатларда бундай курслар ташкил этилган бўлиб, дарсни профессионал саёҳатчи ёзувчи ва журналистлар олиб борадилар. Мисол тариқасида Россияда йўлга қўйилган шундай курсларни санаб ўтишимиз мумкин.

Бугун замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Кундан – кунга янги ажойиботлар пайдо бўлмоқдаки, бу янгиликлардан хабардор бўлмай шиддат билан оқиб бораётган замона денгизида мақсад сари сузиб бориш мушкул. Чет элда журналистикани ихтисослаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Иқтисодиёт, сиёсат, санъат ва бошқа журналистикалар мавжуд. Улар қаторида трэвел журналистика ҳам бор. Биз учун янгилик бўлган журналистиканинг бу тури чет давлатлар, айниқса Европа мамлакатлари ичида оммалашган бўлиб, унга талаб кўпайиб бормоқда.

“Ўзбекистонда сайёҳлик журналистикаси ривожини” мавзусидаги битирув малакавий иши хулосалари асосида қуйидаги таклиф мулоҳазалари юзага келади:

- Сайёҳлик журналистикасига оид илмий адабиётлар яратиш ва бу орқали сайёҳлик журналистикасини манба билан таъминлаш;
- Олий ўқув юртида ихтисослашган - сайёҳлик журналистикаси бўлимини очиш;
- Сайёҳлик журналистикасига оид кўрсатувлар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш;
- Чет элга сайёҳлик журналистикасига оид адабиётлар ва кўрсатувларнинг сотилишини йўлга қўйиш;
- Сайёҳ журналистларни Ўзбекистон бўйлаб ва чет давлатларга саёҳталарини ташкиллаштириш ва молиявий рағбатлантириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш;

- Сайёҳ журналист сифатида фаолият юритиб келаётган кадрларни малакасини ошириш чораларини кўриш.

Сайёҳлик журналистикаси бу – кимлар учундир қизиқарли ҳаёт орзуси, кимларгадир саёҳати давомидаги таасуротларини бўлишиш йўли ҳисобланади. Сайёҳлик журналистикаси саёҳат давомида завқланиш билан бирга, ўз таасуротларини қоғозга гўзал тарзда туширишга, фотоларда ифодалашга, фильм тайёрлашга, уларни матбуот орқали чиқартиришга ва энг муҳими бу орқали ўзига моддий ёрдам беришга ҳам ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 1.2. И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 150б
- 1.2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 4 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

- 2.1. Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.1995 йилдаги ПФ-№ 1162 фармони., [] : законы и законодательные акты. - // : Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси . - 1995.-№ 6. -133-134б. // : Ўзбекистон овози.- 1995. 3 июн. Тошкент оқшоми. 1995.
- 2.2. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони – Халқ сўзи., №74, 16-апрель.

2.3. Туризм тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фармони., 1999. 20 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999., 9-сон, 227-модда; [] : законы и законодательные акты. - // : Халқ сўзи. - 1999.- 14 сентябрь.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 8 ноябрдаги №ПФ-3678 Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

3.1. “Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил, 13 март. №60 сонли қарори.

3.2. “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. // 2012 йил 10 октябрь, 288-сон

3.3. 2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида // 2013 йил 20 сентябрь, 259-сон

3.4. 2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида // 2013 йил 1 ноябрь, 294-сон

3.5. “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида. 2004 йил 28 июль, 360-сон

3.6. Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида // 1998 йил 8 август, 346-сон

3.7. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида // 1995 йил 3 июнь, 210-сон

3.8. Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эл туристларини қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида // 2004 йил 9 март, 7-сон

3.9.Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида // 2002 йил 2 сентябр, 310-сон

IV. Қонунлар

4.1. Туризм тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1999.,20 август, 830-I-сон.

4.2. Туризм тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1999.,20 август, 830-I-сон.

4.3.Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги № 402-И "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни.

V. Низомлар

5.1. “Ўзбектуризм” миллий компанияси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ. // Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги 288-сон қарорига 2-Илова

5.2.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик йиғимни ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ // Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик йиғимни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомга Илова

5.3.“Ўзбектуризм” миллий компанияси тўғрисида НИЗОМ // Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига 4-ИЛОВА

V. Адабиётлар

6.1. З.М.Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Шарқ” н.м.а.к.б.т., 2002 й. 336 бет. 21-22 б.

6.2. Руи Гонсале де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) йиллар. Т., Ўзбекистон 2010. 236 бет. 14-15 б.

6.3. Р.А.Қосимова. Туризм ва уни ўқитиш методикаси. 142 бет. Т.: Алпомиш, 2008. 3-б.

6.4. Ф.К.Камилова. Халқаро туризм бозори. 143 бет. Т.:Ўзбекистон, 2011. 4 б

6.5. Иззатилло Нуритдинов, Тўлқин Эшбеков. “Оммавий маданият” ва мафкуравий иммунитет, Тошкент, ЎзДСИ – 2010, 50 бет, 13-14 б.

6.6. Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 224 бет. Т., Ўқитувчи, 1986. 197-211бетлар.

VI. Илмий мақолалар

7.1. Павел Лебедев Типологическая структура российской путевой прессы // Материалы Всероссийской научно-практической конференции «Проблемы массовой коммуникации: новые подходы» 27-28 октября 2011 г.

7.2. Т.Ю.Редкина. Экология языка и коммуникативная практика. 2014 № 1. Этические речевые нормы в трэвел – медиатексте. Б. 150-160.

7.3. Воронежский государственный университет. Факультет журналистики. Проблема массовой коммуникации: новые подходы. Материалы Всероссийской научно-практической конференции аспирантов и студентов. Воронеж 2014. Часть 1. 142 б. 19-20 б.

VII. Журналлар

8.1. Алижоновна С., Жамолуддинова Б. Бир қитъани эгаллаган мамлакат. //Жаҳон адабиёти, 2014 №1.

8.2. Қодирова Х. Италия Республикаси // Жаҳон адабиёти, 2014 №6.

8.3. Умаров А. Белгия Қироллиги // Жаҳон адабиёти, 2015 №1.

8.4. Камолиддин Ш, Умаров Э. Самарқанднинг ўрта аср тангаси // Мозийдан Садо. – Т (Ўзб.Герм. МЧЖ “Камалак-Принт). - 2009. - № 4.

8.5. Қаюмова Ш. Музейлар ва замонавий технологиялар // Мозийдан Садо. – Т (“Спанта ЛТД” МЧЖ) - 2013. - № 1.

8.6. Ботиров И. Археология музейи // Мозийдан Садо. – Т (“Тошкент тезкор босмаҳонаси” МЧЖ) - 2013. - № 2.

8.7. Аҳмедов М., Маноев С. Фарғона водийси меъморчилигида анъаналар ва замонавийлик // Санъат журнали. Т. (“Нисо Полиграф” МЧЖ), 2013/3. – № 60.

8.8. Раҳимова З. Бибихонимнинг бош кийими. Санъат журнали. Т. (“Нисо Полиграф” МЧЖ),- 2014/1. № 62.

8.9. Ҳақимов А. Ўзбекистон Давлат санъат музейи коллекцияларидаги ноёб сўзаналар // Санъат журнали. Т. (“Нисо Полиграф” МЧЖ), 2013/3. – № 63.

8.10. Ўзбекистон Ҳаво Йўллари., Т.- 2003/4.

VIII. Интернет сайтлари

9.1. polina.slavyanskaya@letnyayashkola.org

9.2. <http://marinamironova.com/>

9.3. www.intourist.spb.ru/history.shtml

9.4. info@traveltechnologies.ru

9.5 www.1dom.ru

9.6. www.travel-library.com

9.7. www.world-tourism.org,

9.8. www.krasnodar

9.9. ru.wikipedia.org

9.10. <http://travelhighschool.com/>

9.11. www.uzbektourism.uz

9.12. <http://www.geografia.ru/travelj.html>

9.13. <http://www.referatya.ru/catalog/detail/69193>

9.14. <http://kubatyan.livejournal.com/20940.html>



Шохизинда мемориал комплекси

**“ДАМ ОЛИШ ДУНЁСИ-2015” ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК
КЎРГАЗМАСИДА САМАРҚАНДНИНГ САЙЁҲЛИК ФИРМАЛАРИ ВА
МЕҲМОНХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОКИ**



- Регистон майдони

- МАЛАЙЗИЯ ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ ВАЗИРИ САМАРҚАНДДА





M

○

•

• **Халқаро кузатувчилар Самарқандда**

•



•


ХОРИЖЛИК ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ҲАЙРАТИ



“O‘zbekturizm” xalqaro sayyohlik yarmarkasida





















ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИ



Фото: Юрий Корсунцев






















ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИ
“ТУРИЗМ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА”



«ИЧАН-ҚАЛЪА» ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ



“ЗОМИН” СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ



ЎЗБЕКИСТОН
2015 ЙИЛНИНГ ЭНГ КЎП САЙЁҲЛАР ТАШРИФ
БУЮРАДИГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛДИ





Меҳмондўст мамлакатнинг муҳташам меҳмонхоналари



Ихтисосликлар орасида сайёҳ журналистлар замонавий ҳаётнинг илғор журналистлари сифатида ўз ўрнига эга. Мухбирлар, таъбир жойиз бўлса, “горизонтал” ёки “вертикал” йўналишда ихтисослашган бўлишлари мумкин.

“Горизонтал” деганда уларнинг жамият ҳаётининг бирор соҳаси, йўналиши бўйича ихтисослашуви тушунилади. Мисол учун: сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ-тартибот масалалари, фан, экология, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқалар. Айрим ҳолларда бу соҳалар ичидаги тармоқ, турлари йўналишлари бўйича ҳам ихтисослашув бўлиши мумкин. Мисол учун: айрим мухбирлар маданият ёки санъат соҳасининг мусиқа, тасвирий санъат, кулолчилик каби йўналиш ёки тармоқлари бўйича, спортнинг хилма хил (теннис, футбол, кураш каби) турлари бўйича ихтисослашган бўлишлари мумкин.

“Вертикал” деганда мухбирларнинг бирор ҳудуд ёки мамлакатнинг барча соҳаларига оид мавзулар, янгилигу репортажлар билан ишлашга ихтисослашгани тушунилади.

Мухбирлар ихтисослашувининг яна бир кўриниши жанрлар бўйича бўлинишга асосланган. Бунда мухбирлар бирор “Янгиликлар” ёки “Ахборот-таҳлил дастури”даги тезкор хабарлар билан ишлаши мумкин. Айрим мухбирлар эса атрофлича таҳлил қилинган махсус репортаж (“Воқеа жойидан”, “Тафсилотлар” рукнлари остида), баъзан махсус кўрсатувлар тайёрлаши ҳам мумкин. Албатта барча бу бўлиниш, ихтисослашувларда шартлилик мавжуд. Чунки, бирор тезкор маълумот тайёрлашга юборилган махсус мухбирга таҳлилий материал тайёрлаш топширилиши, аксинча таҳлилий материал тайёрлашга ихтисослашган мухбирга тезкор хабарлар тайёрлашга тўғри келиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларга турли катта кичик компаниялар фаолиятидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мухбирлар фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ихтисослашувнинг ўзига яраша ижобий ҳамда салбий жиҳатлари бор.

“Горизонтал” ихтисослашувда бу қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин. Мисол учун фақат биргина иқтисодий мавзуларга ихтисослашган мухбирга икки нарса доимо хавф солиб туради. Бири, мухбирнинг мавзуга жуда чуқур кириб кетиши репортажларнинг кенг томошабинлар оммасига тушинарсиз, зерикарли қилиб қўйиши мумкин. Бошқача айтганда, “мен тушинаяманку, демак томошабин ҳам тушунади”, деган фикр мухбирни чалғитиб қўяди. Худди шу фикрлар “вертикал” ихтисослашган мухбирга ҳам таъалуклидир. Масалани чуқур ва атрофлича билиш унга зарарп келтириши мумкин. Ахборот дастурларини кўраётган томошабинга у ёки бу ходисанинг икир чикир тафсилотлари қизиқ эмас. Уларга воқеанинг содир бўлганлигини лўнда лавҳалар орқали тушунарли қилиб берилса, шунинг ўзи кифоя.

Ихтисослашув жараёнида яна бир масала пайдо бўладики, буни мутахассислар “кўзни ёғ босиш”, деб атайдилар. Шунинг учун ҳам мухбирнинг бирор мавзунини томошабиндан кўра кўпроқ билмагани ҳам маъқул. Чунки воқеа ва ходисалар моҳиятига чуқур кириб бориши натижасида мухбир муайян бир нуқтаи назарнинг тарафдори бўлиб қолиши мумкин. Бунга эса унинг ҳаққи йўқ, мухбир доим бетараф бўлиши, хал қилиш вазифасини, бирор нуқтаи назарни қувватлаш имкониятини томошабинга қолдириши керак.